БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 239 (19.315). • 1985 йил 18 октябрь, жума • Баҳоси 3 тийин.

*КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига*

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА, ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

1985 йил 15 октябрь куни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди.

Пленум қуйидаги масалаларни муҳокама қилди:

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси тўғрисида.

КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар ҳақида.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларининг лойиҳаси тўғрисида.

Шу масалалар юзасидан доклад қилган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Пленумга тақдим этилган ҳужжатларни чуқур, батафсил таҳрифлаб берди. «Булар — жуда катта сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатлардир, — деди у. — Уларда гап бизнинг программавий мақсадларимиз ҳақида, партия бош йўли, унинг иқтисодий стратегиясининг энг муҳим масалалари ҳақида, тарихнинг кўп жиҳатдан— ҳам ички, ҳам халқаро жиҳатдан бурилиш характерига эга бўлган ҳозирги, бениҳоя мураккаб ва масъулиятли даврида омма орасида ишлаш формалари ва методлари тўғрисида боради».

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ва шундан кейин фан-техника тараққиёти масалалари юзасидан Марказий Комитетда бўлиб ўтган кенгаш мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш ва шу асосда жамиятимизнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишнинг муфассал концепциясини илгари суриб, асослаб берди. Октябрь Пленумида муҳокама қилинган учала ҳужжат ҳам шу концепция руҳи билан суғорилган. Бу ҳужжатлар юксак илмий ва ғоявий-сиёсий савияси билан, проблемаларнинг қўйилиши ва ҳал этилишига ижодий ёндашиш, реализм, аниқ амалий йўналиш, фикр ва сўз равшанлиги билан ажралиб турибди.

Партия ўзининг назарий ва амалий йўл-йўриқлари, ўзининг сиёсати давомийлигига принципиал аҳамият беради.

Партия учинчи Программасининг асосий мазмуни тўғрилигини ҳаёт тасдиқлади, ўтган чорак аср мобайнида совет мамлакати коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида анча илгари силжиганлиги шундан далолат бериб турибди.

Программанинг асосий назарий ва сиёсий қондалари унинг янги таҳририда ҳам сақлаб қолинди. КПССнинг назарий принципиаллиги ва изчиллиги, унинг марксизм-ленинизмга содиқлиги мана шунда ўзининг ёрқин ифодасини топди. КПСС жаҳон коммунистик ҳаракатида юксак обрў-эътибор қозонганлигининг муҳим сабаби мана шундан иборат.

Назаринядаги изчиллик ва давомийлик уни албатта тарихий тажрибага, программа қабул этилган вақтдан бери мамлакатда ва унинг ташқарисида рўй берган ўзгаришларга муваффақ ижодий ривожлантиришни тақозо этади. Шу билан бирга унинг замон синовидан ўтолмаган формулировкалари танқидий равишда қайта идрок қилинди.

Партия Программаси партия тузилишининг ленинча принципларига асосланади. Унда ҳақиқий жараённинг аниқ формулировкаси берилган, асосий фикрлар, сиёсий вазифалар пухта баён этилган. У ортиқча тафсилотлардан, асоссиз фантазиядан ҳолидир. У марксизм-ленинизм назариясига, мамлакат ичкарисида ва жаҳон майдонида рўй бераётган жараёнларни реалистик таҳлил этишга асосланган. Программа совет жамияти ривожланишининг коммунистик истиқболига асосланиб, партия билан халқ ишининг стратегик йўналишларини аниқ ва батафсил таърифлайди. Қисқа қилиб айтганда, Программа— партия нималарга эришмоқчи ва нималар учун курашмоқчи эканлиги тўғрисидаги равшан ва аниқ баёнотдир.

«Партиянинг учинчи Программаси ҳозирги таҳририда, — деб уқтирилди Пленумда, — социализмни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш, совет жамиятини мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш негизида коммунизм томон янада олға силжитиш программасидир. Бу Программа —тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш программасидир».

Жадаллик — замоннинг қатъий талабидир. Буни ҳам ички, ҳам ташқи сиёсий вазият қаттиқ тақозо этмоқда.

Жадаллик йўли билангина одамларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, инсонни ҳар томонлама камол топтириш учун шароит яратиш мумкин.

Ривожланишни жадаллаштириш йўли билангина социализм капитализм билан буюк тарихий мусобақада экономика соҳасида, социал ва маънавий соҳада ғолиб чиқиши мумкин.

Жадаллик йўли билангина мамлакат мудофаасини янада мустаҳкамлаш, социализм ғалабаларини ҳимоя қилиш, ядро урушининг олдини олиш мумкин.

Социалистик жамиятни ривожлантиришни жадаллаштириш, уни ҳар томонлама такомиллаштириш йўли билангина коммунистик жамият чўққиларига чиқиб олиш мумкин, партиямиз шу йўлни қатъият билан амалга оширмоқда.

Партия ягона коммунистик формациянинг икки фазаси бўлмиш социализм билан коммунизм ўртасида кескин фарқ йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деган фикрга асосланади. Социализмни четлаб бевосита олий фазага ўтиб бўлмайди. Айни вақтда социализм ҳам мустақил формация эмас. Биринчи фазанинг ўсиб, иккинчи фазага ўтиши ижтимоий ривожланишнинг объектив қонунларига мувофиқ рўй беради. Бу ўринда шошиб иш кўришга ҳам, сусткашликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Янги таҳрирдаги Программа социализм тарихий ютуқлари ва афзалликларининг бойитилган таърифини акс эттиради. Унда КПСС Программасининг амалга оширилиши натижасида жамият эга бўладиган турмушнинг турли соҳаларидаги белгилар аниқ чизиб берилган.

Партиянинг иқтисодий стратегияси фан-техника революциясининг янада чуқурлашиб боришини эътиборга олиб белгиланган. У тарихий миқёсдаги ўзгартишларни — халқ хўжалигини янги техника асосида реконструкция қилишни, уни интенсивлаш изларига узил-кесил ўтказишни, совет экономикасини ташкил этиш ва самарадорликнинг юксак поғонасига чиқиб олишини кўзда тутади.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида баён этилган социал сиёсат инсон турмушининг ҳамма соҳаларини— унинг меҳнат ва турмуш шароитларидан, соғлиғидан ва бўш вақтни қандай ўтказишидан тортиб социал-синфий ва миллий соҳаларгача ўз ичига олади. Партия социал сиёсатни мамлакат иқтисодий ривожини жадаллаштиришнинг, омма ғайрат-шижоати ва ижтимоий сиёсий активлигини юксалтиришнинг қудратли воситаси деб, жамият сиёсий барқарорлигининг, янги инсонни шакллантиришнинг, социалистик турмуш тарзини қарор топтиришнинг муҳим омили, деб билади, дейилди Пленумда.

Партия лойиҳанинг совет жамияти сиёсий системасини янада ривожлантириш, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини тобора тўла-тўкис амалга ошириш тўғрисидаги қондаларига принципиал аҳамият бермоқда. У барча меҳнаткашларнинг, коллективлар ва ташкилотларнинг давлат ва жамият турмуши масалаларини ҳал этишда кун сайин, активе ва амалий қатнашиши учун шароит яратишга интилмоқда. Социализмнинг демократик табиатидан, унинг омма ижодидан баҳра олишдек ҳаётий эҳтиёжидан энг кўп даражада фойдаланишга интилади.

Партия идеология иши соҳасидаги программавий йўл-йўриқларни социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш билан боғламоқда. Бу йўл-йўриқлар одамларни ҳақ сўз билан ҳам, реал иш билан ҳам тарбиялашни кўзда тутади. «Пухта ўйланган иқтисодий стратегия, кучли социал сиёсат ва собитқадам ғоявий-тарбиявий ишни чамбарчас бирлаштириш орқалигина инсон омилини кучайтириш мумкин, ўртага қўйилган вазифалардан бironтасини шу омилсиз ҳал этиб бўлмайди», — деб уқтирилди Пленумда.

Совет жамиятидаги ҳамма иш инсон манфаатлари йўлида, инсон бахт-саодати учун қилинмоқда.

Янги таҳрирдаги Программада жаҳон ривожланишининг асосий тенденциялари етарлича тўлиқ акс эттирилган. Бунда гап реал социализмнинг позицияларини янада мустаҳкамлаш, унинг обрў-эътибори ва нуфузини ўстириш, турмушни одилона негизларда янгилашни ёқлаб чиқаётган халқ оммасининг ролини ошириш тўғрисида бормоқда. Бунда гап дунёдаги ижобий ўзгаришларга империализмнинг реакцион, агрессив кучлари қаршилиги кучайиб бораётганлиги тўғрисида, социализм мамлакатларини, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатни, ўнлаб ёш мустақил давлатларни, урушга қарши бўлган кенг демократик ҳаракатларни бирлаштирувчи тинчлик потенциали мустаҳкамланганлиги ҳақида бормоқда. Реал социалистик дунё, ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг, реакцияга ва агрессияга қарши, тинчлик ва тараққиёт учун курашувчи барча ҳаракатларнинг ўзаро бирлиги бизнинг давримизда дунё ривожланишининг умумий йўналишини белгилаб турибди. Программада КПССнинг тараққийпарвар кучларининг кураши билан муттаснл бирдамлиги, уларнинг фикрлари ва позицияларига ҳурмати, уларнинг бирлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш муддаоси ифодалаб берилган.

Милитаризм ва уруш кучларини жиловлаш, мустаҳкам тинчлик ва пухта хавфсизликни таъминлаш — ҳозирги замоннинг туб проблемасидир.

Янги таҳрирдаги Программа ҳозирги бениҳоя мураккаб халқаро вазиятда тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқиш учун яхши кўрсатмалар беради. «Янги таҳрирдаги Программа, — деб уқтирди М. С. Горбачев,—бизнинг Ер юзида тинчликни, социал тараққиётни ва халқларнинг миллий озодлигини қарор топтиришдан иборат концепциямизни яхлит ифодалаб берган, унда сиёсатнинг таг-замини негизлари, таъбир жоиз бўлса, унинг энг асосий таянчлари таърифланган, бу асослар ва таянчлар ўзгаришсиз қолаверади. Шу билан бирга Программа партиямизнинг халқаро ишларга кенг нуқтан назардан ёндашишини, унинг вазият ўзгаришини ўз вақтида эътиборга олиш, реалликка холисона қараш, рўй бераётган воқеаларни объектив баҳолаш, давр талабларига қайишқоқлик билан жавоб бериш қобилиятини намойиш этади».

Пленум СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасини муҳокама қилди. Лойиҳа партиянинг иқтисодий ўсишни жадаллаштириш тўғрисидаги, халқ фаровонлигини ўстириш, иқтисодий потенциални мустаҳкамлаш ва мамлакатнинг мудофаа қудратини лозим даражада сақлаш сингари стратегик вазифаларни айни бир вақтда ҳал этиш ҳақидаги программавий талабларига асосан мувофиқ келади.

Янги беш йилликда миллий даромаднинг ва моддий ишлаб чиқариш барча тармоқлари маҳсулотининг ўсиши биринчи бор тўла-тўкис меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинади. Тежамкорлик халқ хўжалигининг қўшимча материалларга бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг ҳал қилувчи манбанга айлантирилади. Капитал маблағлар энг муҳим соҳаларга марказлаштирилади. Бунда аввало, мавжуд корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга зўр берилади. Машинасозлик, химия, электрон ва электр техника саноати жадал ривожлантирилади. Энг янги машиналар, асбоб-ускуналар ва материалларнинг тур кумларини ишлаб чиқариш, илғор технологияларни қўллаш бошланади.

Ўн иккинчи беш йиллик планига самарадорлик сари сезилари силжиш асос қилиб олинган. Аммо бу соҳада туб бурилиш рўй бериши учун куч-ғайратларни бўшаштирмаслик керак, аксинча кўчайтириш зарур. Шу боисдан, бу соҳада планлаштириш ва бошқаришни, хўжалик юритиш методларини такомиллаштириш, ишнинг ташкил этилишини яхшилаш, ҳамма участкаларда интизом ва масъулиятни мустаҳкамлаш омманинг ижодий ташаббусини ҳар томонлама ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. 2000 йилгача белгиланган марраларга эришилиши интенсивлаш, самарадорлик сари бурилиш нақадар тез ниҳоясига етказилишига боғлиқ бўлади.

Пленумда КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар лойиҳаси муҳокама қилинди. Бунда партия олдида пайдо бўлаётган ва партиявий раҳбарликнинг савиясига нисбатан янги юксак талаблар қўяётган вазифаларнинг кенг миқёси ва теранлиги эътиборга олинди. Уставдаги ўзгартишлар, бир томондан, ички партиявий демократияни янада кенгайтириш, коммунистларнинг, барча партия ташкилотларининг ташаббускорлиги ва активлигини ривожлантиришдан, иккинчи томондан эса, умумий масалаларнинг ҳал этилиши учун уларнинг масъулиятини оширишдан иборат. Бу ўзгартишлар партия аъзосининг обрў-эътиборини оширишга хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз муҳокамасига тақдим этилган ҳужжатларни маъқуллади ҳамда уларни КПСС XXVII съезди арафасида ўтказиладиган партия йиғилишларида, конференцияларида ва иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасини эса меҳнат коллективларидаги, ўқув юртларидаги, ҳарбий қисмлардаги ва жамоат ташкилотларидаги йиғилишларда ҳам муҳокама этиш учун эълон қилишга қарор берди.

Ҳозир КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўришнинг масъулиятли босқичи бошланмоқда. Бу босқич экономика ва сиёсатнинг энг муҳим масалалари хусусида партиянинг халқ билан катта ва бевосита маслаҳатлашуви босқичидир. Меҳнат коллективларида, бевосита одамлар ишлайдиган, пировард натижада планларимизнинг тақдири ҳал этиладиган жойларда ишларимиз тўғрисида, жуда катта резерварни ишга солиш, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, мавжуд камчиликларни тугатиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳақида амалий суҳбатни авж олдириш лозим. Айни меҳнат коллективи съездолди ҳужжатларини ўрганиш ва тушунтириш соҳасидаги бутун ишнинг маркази бўлиб қолиши керак.

Янги таҳрирдаги партия Программаси, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар, Асосий йўналишлар лойиҳаларини муҳокама этиш, пропаганда қилиш ва тушунтириш соҳасидаги ишлар амалий, ишчанлик характерида бўлиши, меҳнат коллективлари олдида турган конкрет кундалик ва истиқбол вазифалар билан маҳкам боғлаб олиб борилиши керак, дейилади КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорида. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, иқтисодий тежашни кучайтириш, ҳамма соҳаларда уюшқоқлик ва интизомни ошириш, иш услубини такомиллаштириш масалалари диққат марказига қўйилиши зарур. Съездолди ҳужжатларини муҳокама қилишда коммунистлар ва партиясизларнинг манфаатдорлик билан актив қатнашларини таъминлаш, ҳар бир совет кишиси партиянинг программавий мақсадлари ва вазифаларини, ички ва ташқи сиёсатимиз моҳиятини яхши билиши, халқ фаровонлигини оширишнинг, социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлашнинг, унинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун муваффақиятли курашишининг негизи бўлмиш жамият социал-иқтисодий тараққиётини анча жадаллаштириш объектив зарурлигини чуқур тушунишн муҳимдир.

Бironта фойдали фикр, фойдали таклиф эътиборсиз, жавобсиз қолмаслиги, улар юзасидан тегишли чоралар кўрилиши муҳимдир. Бунда гап катта давлат аҳамиятига молик мулоҳазалар тўғрисидагина эмас, шу билан бирга партия, совет, хўжалик органларининг иши тўғрисидаги конкрет масалалар, мулоҳазалар ҳақида ҳам бормоқда.

Шу съездолди даврида оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига нисбатан юксак талаб қўйиладн. Улар муҳокаманинг умумхалқ минбари бўлиб қолишлари, омманинг ғоялари, фикрлари, тажрибасини йиғиб бериши, одамларнинг онгини, психологиясини янги шароитда ишлашга, янги вазифаларни ҳал этишга йўналтириб туриши лозим. Матбуот, радио, телевиденениннг вазифаси оммаиинг юксак ғайратшижоати ва ғоявий-маънавий кайфиятини қулф урдиришдан иборат, шундай қилмай туриб, планларимизни бажариб бўлмайди. Улар активроқ ва собитқадамроқ, оперативроқ ва таъсирчанроқ ишлашлари мумкин ва лозим.

КПСС Марказий Комитети КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларнинг умумхалқ муҳокамаси юксак уюшқоқлик ва ғоявий-сиёсий савияда ўтказилади, деб қатъий ишонч билдирди.

Муҳокама съездга партия ва бутун халқнинг тажрибаси билан бойитилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилишига кўмаклашади, 1985 йилги давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун, ўн иккинчи беш йилликни зўр ғайрат билан бошлаш ва КПСС XXVII съездини муносиб қутиб олиш учун курашда меҳнаткашларнинг ижодий ташаббуси ва активлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

(«Правда» газетасининг 17 октябрдаги бош мақоласи).

## Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларациянинг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган БМТ Бош Ассамблеяси махсус юбилей мажлисининг қатнашчиларига

Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларация қабул қилинган кунинг 25 йиллиги муносабати билан Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг махсус юбилей мажлисида йиғилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларнинг олий намояндаларини табриклайман.

Мустамлакачиликка қарши ўзига хос халқаро манифест бўлиб қолган ушбу Декларация СССРнинг ташаббуси билан 1960 йилда БМТ Бош Ассамблеяси XV сессиясида қабул қилинганлиги муносабати билан совет халқи ғоят чуқур мамнуният туйғусини бошидан кечирмоқда.

Кўпгина давлатларнинг коллектив куч-ғайратлари билан ишлаб чиқилган Декларация барча қитъалардаги эрксевар кучларни жипслаштиришга, шармандали мустамлакачилик системасини тугатиш, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақилликка бўлган ҳуқуқини, уларнинг ўз келажагини ташқаридан аралашувсиз эркин қуриш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида уларни қатъий ҳаракатларга сафарбар этишга кўмаклашди.

Тарихан қисқа вақт ичида мустамлака империялари ағдарилди, Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Океаниядаги неча ўнлаб янги мустақил давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиб қолдилар. Ана шу давлатларнинг халқаро майдондаги роли ортиб бораётганлиги бугунги куннинг реаллигидир.

Аммо Декларацияда кўзда тутилган мақсадларга ҳали ҳамон тўлиқ эришилгани йўқ. Бирлашган Миллатлар салкам йигирмата мустамлака ва қарам территорияларнинг халқлари ҳамон ўзининг озодлик ва мустақилликка бўлган қонуний ҳуқуқидан маҳрум эканлигига тоқат қила олмайди. Империалистик давлатлар ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга интилиб, ана шу территорияларга ҳар хил янги мустамлакачилик статусларини тиқиштирмоқдалар, уларни ўзларининг ҳарбий-стратегик таянч пунктларига ва агрессия қилиш учун плацдармларига айлантирмоқдалар. Васийликдаги Тинч океани ороллари территориясига нисбатан қилинаётган аннексиячилик ҳаракатлари бунинг ёрқин мисолларидан биридир.

Африка жанубида иркчи Претория режими ўзининг Ғарбдаги ҳомийлари мададида мустамлакачилик-иркчилик системасини абадийлаштиришга уринмоқда. ЖАР иркчилари БМТ қарорларини ва жаҳон жамоатчилигининг талабларини поймол этиб, жиноий апартеид сиёсатини ўтказмоқдалар, Намибия халқига мустақиллик берилишига қаршилик қилмоқдалар, қўшни Африка мамлакатларига қарши агрессия ҳуружларини амалга оширмоқдалар.

Ҳар қандай форма ва кўринишлардаги мустамлакачилик сиёсати, шу жумладан, иркчилик ва апартеид БМТ Уставига ва мустамлакачиликни тугатиш тўғрисидаги Декларацияга хилофдир. Бутун дунёдаги соф виждонли кишилар планетамизда мустамлакачилик манбаларининг сақланиб қолаётганига тоқат қила олмайдилар.

Барча мустамлака халқлар ва васийликдаги территориялар чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиб, давлатларнинг халқаро ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллашлари учун Декларациянинг тўла-тўкис амалга оширилиши йўлида шошилинч чоралар кўриш — БМТнинг бурчидир.

Иқтисодий соҳада мустамлакачиликни тугатиш, халқаро иқтисодий муносабатларни адолатли ва демократик асосда қайта қуриш жараёнини жадаллаштиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш — БМТнинг бурчидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўпмиллатли монополиялар ривожланаётган мамлакатларни эксплуатация қилаётганлигига, уларнинг табиий ресурсларини талон-торож этиб, қарз сиртмоғи билан бўғаётганлигига қарши овозини баралла кўтариши, шу мамлакатларнинг «маданий», «ахборот» ҳамда бошқа янги мустамлакачилик формаларига қарши курашини қўллаб-қувватлаши лозим.

Мана шу муҳим вазифаларнинг амалга оширилиши ялпи тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, ҳонавайрон қилувчи қуролланиш пойгасини тўхтатиш, халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатига қайтиш ичидаги силжишга ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Совет Иттифоқи мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларациянинг тўла-тўкис ва оғишмай амалга оширилиши учун курашда бундан буён ҳам бутун кучини сарфлайверади, мустамлакачиликни, иркчилик ва апартеидни узил-кесил тугатиш соҳасида БМТ фаолиятига актив кўмаклашаверади.

**М. ГОРБАЧЕВ.**

## М. С. ГОРБАЧЕВнинг Болгария Халқ Республикасига қиладиган дўстона визити тўғрисида

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев БКП Марказий Комитети, БХР Давлат Кенгаши ва БХР Министрлар Советининг таклифига биноан 1985 йил октябрь ойининг охирида дўстона визит билан Болгария Халқ Республикасига боради.

## XXVII „ОҚ ОЛТИН" хирмонига

**Республика областларида пахта тайёрланиниг бориши тўғрисида шу йил 17 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун —шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Фарғона | 1,51 | 85,81 | 0,62 | 32,32 |
| Наманган | 1,81 | 80,24 | 1,98 | 60,98 |
| Тошкент | 2,07 | 79,92 | 1,97 | 88,22 |
| Хоразм | 0,99 | 77,31 | 0,33 | 37,78 |
| Бухоро | 0,86 | 70,68 | 0,10 | 14,59 |
| Андижон | 1,55 | 69,61 | 1,31 | 42,15 |
| Сурхондарё | 1,65 | 68,07 | 1,67 | 72,60 |
| ҚҚАССР | 1,43 | 67,59 | 1,26 | 55,54 |
| Навоий | 1,04 | 62,59 | 0,59 | 35,51 |
| Сирдарё | 3,19 | 61,60 | 3,60 | 76,91 |
| Самарқанд | 1,13 | 55,78 | 0,70 | 36,25 |
| Жиззах | 2,27 | 55,46 | 2,02 | 62,19 |
| Қашқадарё | 1,23 | 44,50 | 0,95 | 31,02 |
| Республика бўйича: | 1,59 | 67,59 | 1,36 | 50,16 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта: | | | | |
| Сурхондарё | 2,81 | 105,11 | 3,28 | 123,28 |
| Наманган | 1,52 | 88,12 | — | — |
| Бухоро | 1,13 | 48,32 | — | — |
| Навоий | 0,86 | 30,88 | 0,26 | 1,54 |
| Қашқадарё | 1,38 | 28,79 | 1,43 | 18,64 |
| Республика бўйича: | 2,17 | 74,73 | 2,39 | 78,56 |

## ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШДИЛАР

Осиё мамлакатлари тўқимачилик ва енгил саноат касаба союзлари халқаро учрашуви қатнашчилари делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдилар, республика пойтахтининг тарихий ёдгорликларини ва янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар, Тошкент тўқимачилик комбинатига, чинни заводига ва колхозга бордилар.

Чет эллик касаба союз арбоблари тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари республика касаба союз комитетида қабул қилиндилар.

(ЎзТАГ).

*БУГУН—ЯГОНА СИЁСИЙ КУН*

## УЛУҒ ОКТЯБРЬ ҒОЯЛАРИ ТАНТАНАСИ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси большевиклар партияси раҳбарлиги остида ишчилар синфи меҳнаткаш деҳқонлар билан ягона иттифоққа бирлашиб амалга оширган жаҳон тарихидаги биринчи ғолиб пролетар революциясидир. В. И. Ленин Октябрь революциясининг ижодкори, раҳбари ва ташкилотчиси бўлди.

Орадан 68 йил ўтди. Советлар мамлакати жаҳондаги буюк мамлакатлардан бирига айланди. СССРда қудратли иқтисодий, илмий-техникавий ва мудофаа потенциали вужудга келди. Фан, маданият, адабиёт ва санъат гуркираб ўсаётир. Совет кишилари тинч, фаровон турмуш кечирмоқда.

Бугун республикамиз барча меҳнат коллективларида, муассаса ва турар жойларда «Улуғ Октябрь ғоялари тантанаси» мавзуида ягона сиёсий кун бўлиб ўтади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, министрлик ва идораларнинг масъул ходимлари, партия ва совет ташкилотларининг сайлаб қўйилган активи, раҳбар ходимлар ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар билан учрашадилар. Меҳнат коллективларида КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб кутиб олиш, ўн биринчи беш йиллик ва унинг якунловчи йили план топшириқларини муваффақиятли бажариш, Улуғ Октябрь байрамига муносиб совға тайёрлаш ҳақида сўз юритилади.

«Ташхимсельмаш» заводининг слесари Ф. Гумиров йигирма йилдан бери корхонада ишлайди. Бу давр мобайнида у бир нечта турдош касбларни ўзлаштириб олди, қатор шогирд ларни тарбиялади. Ташаббускор ишчи учинчи даража Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотланган.

Ленин район партия комитетининг аъзоси Фарид Гумиров ягона сиёсий кунларда мунтазам иштирок этмоқда. У меҳнат коллективлари аъзолари билан учрашар экан, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишга коммунистик муносабат ютуқлар омили эканлигини конкрет мисолларда сўзлаб бераётир.

Суратда: Ф. Гумиров (ўртада) ишчилар билан суҳбатлашмоқда.

В. Молгачев фотоси.

# КРЕМЛДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико АҚШ конгресси вакиллар палатаси фан ва техника комиссиясининг космик фазони тадқиқ қилиш кичик комиссияси раиси Б. Нельсон бошчилигидаги америкалик конгрессменлар группасини 16 октябрь куни Кремлда қабул қилди. 1975 йилда «Союз-Аполлон» программасига мувофиқ, Совет — Америка биргаликдаги космик учишида қатнашган америкалик астронавтлар Т. Стаффорд ва Д. Слейтон ҳам конгрессменлар билан бирга келган эдилар.

Суҳбатда асосан космик фазодаги тинч ҳамкорликнинг турли жиҳатлари хусусида гап борди.

А. А. Громико космосда энди одамлар яшайдиган бўлиб қолганини уқтириб ўтди. Совет космонавтлари энди инсон космосда кўп ойлар яшаб, ишлай олишини, уни ўзлаштира олишини исботладилар. Космик фазони тинч ўзлаштиришдаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш жуда катта манфаат келтирмоқда ва янада кўпроқ манфаат олинишига умид туғдирмоқда. Бироқ қуролланиш пойгасини космоса ёйиш, уни Ер цивилизациясига таҳлика солувчи хавф-хатар манбаига айлантиришга йўл қўйиб бўлмайди.

Агар параллел равишда космосни ҳарбийлаштириш программаси амалга оширилмаса, космик фазодан тинч фойдаланиш ва уни тадқиқ этиш соҳасида СССР билан АҚШ ҳамкорлик қилишлари мумкинлиги таъкидланди. «Самовий урушлар» программаси амалга оширилаётган пайтнинг айни ўзида биргаликдаги тинч экспериментлар ўтказилаверадиган аҳволни тасаввур этиб бўлмайди. Бундай шароитдаги ҳамкорлик Ер атрофидаги фазони ҳарбийлаштириш режаларини яширадиган ниқоб бўлиб қолур эди.

Совет Иттифоқи Ердагина эмас, унинг ташқарисида ҳам халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун изчиллик билан ҳаракат қилмоқда. Конкрет совет таклифлари, шу жумладан, БМТ доирасидаги таклифлар ҳам шундан далолат беради. СССР Бош Ассамблеянинг бир қанча сессияларида бир неча бор конкрет таклифларни ўртага қўйди. Ҳозирги вақтда 40-сессияда Совет Иттифоқининг ташаббуси билан кун тартибига киритилган «Космик фазони ҳарбийлаштирмаслик шароитида уни тинч ўзлаштиришдаги халқаро ҳамкорлик тўғрисида»ги масала муҳокама қилинмоқда. СССР жаҳон космик ташкилоти тузилишини ҳам таклиф қилмоқда, шу ташкилот доирасида космосни тинч ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик амалга оширилган бўлур эди.

БМТнинг жуда кўпчилик аъзолари шу таклифларни қўллаб-қувватлаб чиқаётганликларини таъкидлаб ўтмоқ керак. Аммо улар орасида Америка Қўшма Штатларининг овози эшитилмаяпти.

А. А. Громико ҳозир дунёдаги кескинликнинг сабабларини айтиб берди, Америка маъмуриятининг амалий ҳаракатлари хатарли йўлдан бораётганини алоҳида уқтириб ўтди. Оммавий қирғин қуролининг тобора янги-янги турлари яратилаётганини, космос ҳарбийлаштирилаётганини оқлашга уриниб, халқаро кескинликни бўшаштирмаслик — бу маъмурият сиёсатининг мақсадларидир. Натижада халқаро ривожланиш шундай бир маррага етиб келдики, энди олий даражада масъулиятли қарорлар қабул этилиши лозим бўлиб қолди, қуролланиш пойгасига чек қўйиш, уруш томон силжиб боришни тўхтатиш зарур бўлиб қолди. Совет Иттифоқи ўзининг халқаро майдондаги ҳаракатларида айни шу олижаноб мақсадларни кўзлаб иш тутмоқда.

Женевада КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан президент Р. Рейган ўртасида ўтказиладиган ноябрь учрашуви тинчлик иши учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Совет Иттифоқи бу учрашувга жуда жиддият билан ҳозирлик кўрмоқда ва унинг якунлари халқларнинг ишончига муносиб бўлиши учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, учрашувнинг натижалари совет томонигагина эмас, Америка томонига ҳам боғлиқ бўлади.

Икки ўртада бўлиб ўтган фикрлашув чоғида америкалик конгрессменлар Совет—Америка муносабатларини яхшилашни ва космосда тинч ҳамкорлик қилишни ёқлаб гапирдилар. Улар СССР билан АҚШ раҳбарларининг учрашуви иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ва умуман дунёдаги вазиятни соғломлаштиришга олиб келади, деб ишонч билдирдилар.

Учрашувнинг америкалик қатнашчилари суҳбат учун ва ўзларига кўрсатилган эътибор учун А. А. Громикога ташаккур айтдилар.

**(ТАСС).**

МАЪҚУЛЛАИМИЗ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАИМИЗ!

# ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДАН

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев яқинда бўлиб ўтган партия Марказий Комитетининг октябрь Пленумида қилган докладида бу йилни, умуман беш йилликни энг яхши натижалар билан тугаллаш, партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун меҳнат коллективларининг бутун ғайрат-шижоатини сафарбар этиш, ташкилотчилик, сиёсий ва хўжалик фаолиятини бу вазифаларни бажаришга қаратиш зарурлигини уқтирди. Биз бу ленинча тўғри йўлни батамом қўллаб-қувватлаймиз.

Пленум материаллари амалий ва ишчанлик руҳидадир. Съездга тақдим этилаётган ҳужжатлар — янги таҳрирдаги партия Программаси, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари ва партия Уставига киритиладиган ўзгартишлар лойиҳалари ҳар бир коммунист, барча меҳнаткашлар учун ғоявий компас бўлиб хизмат қилади. Бу ҳужжатлар тинчлик сақланиши ва мустаҳкамланишига, Ватанимиз коммунистик бунёдкорлик йўлидан собитқадам олға боришига бўлган комил ишончни мустаҳкамлайди.

Партиямиз амалга ошираётган интенсивлаш, техника билан қайта қуроллантириш ва янгилаш йўли нақадар самарали эканлигини коллективимиз ўз тажрибасидан яхши билади. Яқин-яқинларгача қолоқлар қаторида судралиб келган корхонамиз энг муҳим участкалар ва цех реконструкция қилингандан кейин планда белгиланган маррага дадил чиқиб олди. Ҳозир янги ҳосил чигитидан мой олишга киришдик. Партия XXVII съезди шарафига белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажарамиз, корхонанинг лойиҳадаги қувватини тезда ўзлаштириб олиб, янги беш йилликда Озиқ-овқат программасини бажариш, халқ фаровонлигини ошириш ишига муносиб ҳисса қўшамиз.

**Р. ОЧИЛОВ,**
**Гулистон ёғ-экстракция заводи слесарлар бригадасининг бошлиғи.**

# ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

**ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МОСКВАДА БЎЛИБ ЎТГАН НАВБАТДАГИ ПЛЕНУМИ ЯКУНЛАРИГА ҒОЯТ ЗЎР ЭЪТИБОР БЕРМОҚДА.**

Болгария газеталари Пленум материалларини «Жуда катта сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатлар» («Работническо дело»), «Совет жамиятини ҳар томонлама тараққий эттириш программаси» («Труд»), «Инсон ва Ер юзида тинчлик манфаатларини кўзлаб» («Земеделско знаме»), «Совет мамлакатини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари» («Отечествен фронт») деган сарлавҳалар остида босиб чиқарди. «Янги таҳрирдаги КПСС Программасининг, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишларнинг, 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Асосий йўналишларининг лойиҳалари — катта сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатлардир, — деб таъкидлайди Венгриянинг «Непсабадшаг» газетаси. — Совет Иттифоқида бўлажак партия съездига тайёргарлик янги босқичга кирди».

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев докладида баён этилган учта энг муҳим ҳужжат, деб ёзади Американинг «Вашингтон пост» газетаси, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш концепциясини акс эттиради.

Англияда чиқадиган «Морнинг стар» газетаси докладнинг социалистик демократияни ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш, давлат ва жамоат ҳаёти масалаларини ҳал этишда барча меҳнаткашлар, уларнинг коллективлари ва ташкилотларининг ҳар куни фаол ва амалий равишда иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш зарурлиги таъкидланган қоидаларига эътиборни жалб этади.

Франциянинг «Юманите» газетаси янги таҳрирдаги КПСС Программасининг лойиҳасини «Ниҳоятда муҳим ҳужжат» деб атаб, КПССнинг ҳозирги таҳрирдаги Учинчи Программаси — социализмни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш негизида совет жамиятини коммунизм сари тобора олға силжитиш программаси, тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш программаси, деб таъкидлайди.

М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети Пленумида қилган докладида энг катта капиталистик давлатларнинг сиёсатида жуда хатарли оғиш пайдо бўлганлигини ва вақтнинг бориши, империализмнинг, айниқса Америка империализмининг амалий ҳаракатлари шу сиёсатнинг моҳиятини тобора яққолроқ намоён этаётганлигини огоҳлантириб ўтди, деб уқтиради Японияда чиқадиган «Асахи» газетаси. Японияннинг бошқа бир «Майнити» газетаси СССР Америка маъмуриятининг космик фазода қуролланиш пойгасини авж олдиришга қаратилган йўлини кескин қораламоқда, деб таъкидлайди.

(ТАСС).

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ 208-ЎРТА МАКТАБНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ёш авлодга таълим ва коммунистик тарбия бериш соҳасидаги актив иши учун ҳамда ташкил этилган кунга 100 йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳридаги М. Горький номли 208-ўрта мактаб Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

**Тошкент шаҳри.**
**1985 йил 17 октябрь.**

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўқувчиларга таълим ва коммунистик тарбия бериш соҳасидаги хизматлари учун Тошкент шаҳридаги М. Горький номли 208-ўрта мактаб ўқитувчиси ўртоқ Анна Романовна **Калмиковага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи»** фахрий унвони берди.

Мактаб ўқитувчиларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари, аҳолини коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида катта иш қилганликлари ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига, республика комсомолининг юбилейига, 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган бадиий-спорт байрамларини тайёрлаш ва ўтказишда актив қатнашганликлари учун М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясининг опера тайёргарлиги кафедраси мудири ўртоқ Мансур **Саъдуллаевга «Ўзбекистон ССР халқ артисти»**, Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрининг постановкачи-режиссери ўртоқ Рустам Мухсинович **Ҳамидовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби»**, Муқимий номли ўзбек давлат музикали театрининг бош балетмейстери ўртоқ Шокир **Аҳмедовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист»**, М. Горький номли Тошкент давлат рус академик драма театри бадиий-постановка қисми мудири Игорь Анатольевич **Голиков** ва «Пахтакор» республика спорт-машқ бирлашмасининг бош директори Яков Габраилович **Якубов** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»**, Тошкент шаҳар ҳунар техника таълими бошқармасининг катта методисти ўртоқ Александр Петрович **Калуцкийга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими»** фахрий унвонларини берди.

Маданият, комсомол ва спорт ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

# Мусобақа илғорларига Қизил байроқлар

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ҳамда идораларининг ёрдамчи қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан 1985 йил тўққиз ой давомидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

**Сурхондарё область Термиз умумий овқатланиш трести ёрдамчи хўжалигининг коллективи.** Бу коллектив 40,3 тонна гўшт етиштиришга ва аҳолига сотишга эришиб, йиллик планни 144 процент бажарган, чўчқа 685 бошгача кўпайишини, ўртача кунлик семириш 550 граммгача ортишини таъминлаган ва рациондаги омихта ем салмоғини камайтирган.

Байроқ Ўзбекистон ССР Геология министрлиги «Самаркандгеология» бирлашмасининг Қашқадарё геология-разведка экспедицияси ёрдамчи хўжалигидан олиб берилади.

**Сирдарё областидаги Киров номли каналдан фойдаланиш бошқармаси кўчма механизациялаштирилган колоннаси ёрдамчи хўжалигининг коллективи.** Бу коллектив ҳар бир ходим ҳисобига 92 килограмм гўшт, 172 килограмм сут, 225 дона тухум, 8 килограмм асал етиштириш ва сотишга эришган, қорамол 296 бошгача кўпайишини, шу жумладан, сигирлар 60 бошгача, чўчқа 320, парранда 1966 тагача, асалари оилалари 280 тагача кўпайишини таъминлаган, ҳар бир шартли мол ҳисобига 26,22 центнер озуқа бирлиги тайёрлаган.

Байроқ Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Пахталиқўл сил касалликлари санаторийси ёрдамчи хўжалигидан олиб берилади.

## ҲУРМАТ ТАХТАСИ

**Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:**

**Чортоқ райони** — район партия комитетининг секретари Х. Умурзоқов, район ижроия комитетининг раиси М. Раҳматов, РАПО кенгаши раиси М. Раҳмонов, райсельхозтехника бошқарувчиси А. Алиматов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи вазифасини ижро этувчи С. Аълоев, район қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союз комитетининг раиси Ж. Мирзаев, район комсомол комитетининг секретари О. Абдураҳимова.

**Наманган райони** — район партия комитетининг секретари Н. Отахонов, район ижроия комитетининг раиси А. Камолов, РАПО кенгаши раиси А. Жулибоев, райсельхозтехника бошқарувчиси Т. Муталиев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. В. Куколов, район қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союз комитетининг раиси Н. Аҳмадалиев, район комсомол комитетининг секретари Т. Ҳайдаров.

**Бувайда райони** — район партия комитетининг секретари М. Ҳайдаров, район ижроия комитетининг раиси М. Х. Хўжамова, РАПО кенгаши раиси В. Абдуллаев, райсельхозтехника бошқарувчиси Э. Қулматов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Жабборалиев, район қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союз комитетининг раиси С. Мадаминов, район комсомол комитетининг секретари Б. Д. Ҳамроқулов.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

# ҚАДРДОНЛАРИМ

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

## ҒИРВОНЛИКЛАР

ҚАРДОШ Болгарияда Габрово деган бир шаҳар бор. Бу шаҳар аҳлининг ҳар гапи латифа. Габрово деган гап оғзингиздан чиқиши билан кулги бошланади. Юзлаб латифалар ёдга тушиб, лабингиздан табассум аримайди. Аммо қувноқлиги билан бутун дунёга танилган ўша Габровони бир чўқишда қочирадиган ўзимизнинг Ғирвон бор.

Ғирвон Наманганнинг биқинига жойлашган каттагина бир қишлоқ. Бу ернинг одамлари соддалиги, самимийлиги билан машҳур. Атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ҳам бу жойда бўлиб, юзлаб латифалар эшитган. Ўзининг «Ғирвонлик Маллавой ака» очеркида кўп қизиқ ҳангомаларни ёзганди.

Ғирвонликлар содда бўлгани билан ўз ишига пишиқ, пахта илмини, боғ илмини шу қадар эгаллашганки, ҳар бирини академик деса арзийди.

Эллигинчи йилларга келиб жорий қилинган квадрат уялаб экиш аслида ўттизинчи йилларда шу Ғирвонда яратилган. Пахтани шахмат усулида экканликлари учун ҳам колхоз номини «Қизил шахматчи» деб қўйгандилар. Шахмат усулини ғирвонлик Маллавой Боқибоев ижод қилган эди.

Худди шу ердан пахта экадиган мамлакатлардаги жамики теримчиларни лол қолдирган, бир мавсумда қўлда 17 минг килограмм пахта терган Тожихон Асқарова чиққан. Бу ажойиб аёл икки марта СССР Олий Советига депутат қилиб сайланган. Қўша-қўша орденларга сазовор бўлган.

Ғирвонликларнинг «содда»лигини кўрдингизми?

Квадрат уялаб экишни ижод қилган ўша содда Маллавой акадан юздан ортиқ невара-чеваралар қолган. Ўшалардан бири — унинг ўғли Давлат Маллабоев шу колхозга раис. Унинг кўксида уч Меҳнат Қизил Байроқ ордени порлаб турибди. Колхоздаги ўнта бригаданинг ҳаммаси аллақачон 32 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик пахта тайёрлаш планини Наманган районида биринчи бўлиб бажариб бўлган. Ҳозир улар 40 центнер учун астойдил курашяптилар. Бугун-эрта бу марра ҳам эгалланади.

Ғирвоннинг «содда» қизларидан Меҳмонхон Сайдуллаева, Маҳмуда Валиеваларнинг мавсум бошидан бери терган пахталари 6-7 тоннага етди.

Ғирвонлик машҳур теримчи Тожихон Асқарова ҳозир 81 ёшда. Мен у кишини зиёрат қилиш учун уйларига бордим. Ая ҳали тетик. Уй юмушларини бемалол бажарар экан.

— Укам, далага чиқиб кетавергим келади. Чидаб туролмайман. Ҳар йили терим палласида дала айланмасам, теримчилар орасига кириб бир чимдим, икки чимдим пахта термасам хуморим босилмайди.

Мен бу онахон билан урушдан олдин ҳам, уруш йиллари ҳам кўришиб тургандим. Унда Тожихон опа ўт-олов, қадамидан учқун чиқадиган шаддод аёл эди.

— Ҳа, энди ёшлик ҳам ўтиб кетди. Бир этак неваралар ичида ўтирибман. Барака топкурлар олтмиштага етиб қолди.

Тожихон аянинг уйидан қайтарканман хаёлимга бир гап келди. Наманган областида энг яхши теримчиларга Тожихон Асқарова номида мукофот таъсис қилса қандоқ бўларкин?

Ҳар қалай бир ўйлаб кўрса бўладиган гап бу!

## ҒАЛЧА ҚИШЛОҚ

Ғалча қишлоғи шундоққина Ғирвоннинг қўлтиғида. Агар ғалчаликлар тандирга нон ёпса ҳиди Ғирвонни тутиб кетади. Ғирвонлик кабоб пиширса ажиб хушбўй тутуни Ғалча томонга ўрлайди. Бири-биридан доно, бири-биридан ҳушёр одамлар яшайди бу жойда. Ғалчага борган одам бу ердаги одамларнинг ҳаёти, қилаётган ишларини кўриб ёқасини ушламаса мен кафил.

Ғалча қишлоғида ичкилик деган балонинг қувғинга учраганига кўп вақтлар бўлди. Тўй-ҳашам, зиёфатлар ичкиликсиз ҳам бинойидек шодхуррамлик билан ўтяпти. Буни қарангки, ғалчаликларнинг бу ташаббусини Москва ҳам билар экан. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ҳушёрлар жамияти»нинг таъсис мажлисига Ғалчадан ҳам одам чақиришди.

Йигирма йилдан бери «Ленинград» колхозида бригадирлик қилаётган, Ленин, Октябрь Революцияси, Ватан уруши, Меҳнат Қизил Байроқ орденларининг кавалери Юсупбой Усмонов шу таъсис мажлисида қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Юсупбой Усмонов йигирма йилдирки, план тўлмай, юзи ерга қараган пайтни эслаёлмайди. Уч ўғил, уч келин, уч қизни бағрига олиб, чигит қадаб пахта парвариш қилади. Мана шу йилнинг ўзида саксон бир гектар ерга областда биринчи бўлиб чигит экди. Экканда ҳам қандоқ ерга экди денг, кузда тизза бўйи шудгор қилинган, эрта баҳорда хамирдек кўпчиган ерга чигит экди.

— Э, мулла ака, кузда шудгор қилиш, эрта экишнинг албатта, хосияти катта. Аммо кўп деҳқонлар амал қилмаётган бир тадбир бор. Ана шунга ҳушёр бўлиш керак. То ерга чигит тушгунча ерга ўғит солиш керак. Чигит ердан униб чиққунча ўз қобиғининг ичидаги мойини ейди. Ана шундан кейин овқат қидириб томирини ер бағрига узатади. Ўғитланмаган ер бўлса сутга тўймаган боладек нимжонлашаверади. Ҳар қандай касалга дарров йўлиқади. Агар чигитдан олдин ўғит солинган бўлса то униб чиққунча эриб, шарбат бўлиб худди чақалоқ оғзига бодом туйиб солгандек томирчалари миқ-миқ сўраверади. Бу хил экилган кўчат касалга чидамли, ўзи дурқун ўсади.

Юсупбой Усмонов бош бўлган бригада 11 октябрь куниёқ 32 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил олиб, мажбуриятини ҳам бажариб бўлди. Яқин кунларда унинг хирмони 50 центнер ҳисобига бўй чўзади. Бу азамат деҳқоннинг уч ўғли механизатор. Катта ўғли Маматхон «зангори кема»да 90 тоннадан ошиқ пахта териб хирмонга уйди. Неъматжон ва Мусахонлар прицеп бошқаришади. Улар меҳнат қилаётган бригада ўтган йили 48 центнердан ҳосил кўтарган эди.

Астойдил, чин дилдан қилинган меҳнат маҳсули она сутидек ҳалол бўлади. Юсупбой ака оиласи тўкин яшайди. Катта ҳовлидаги жуфт гаражда «ГАЗ-24», «Жигули» машиналари қашланган отдек гижинглаб турибди. Рангли телевизор дейсизми, магнитофон дейсизми, телефон дейсизми, ҳаммаси мўҳайё. Колхоз ишлаб чиқаришига қатнашаётган оиланинг ўн аъзоси топганини уйга олиб келади. Уй бекаси Қумрихон ая оила бюджетини режа билан бошқаради.

Юсупбой ака фақат оиланинг отаси эмас, бутун Ғалча қишлоғига отахонлик қилади. Тўй-ҳашамлар, маъракалар, байрам зиёфатлари у кишисиз ўтмайди. Юсупбой ака ёшларни тергаб йўлга соладиган мураббий. Шунинг учун ҳам шу йил кўкламда унга «Ёшлар мураббийси» деган фахрли унвон берилди. Саккиз минг аҳолига сардор бўлиш осонмас. Аммо Юсупбой ака дала ишлари билан қишлоқ оқсоқоли деган шарафли вазифани сидқидилдан бажариб келяпти.

Кеча Юсупбой Усмонов даласига бориб, шийпонда бир дам куз офтобида суҳбат қурдик. Юз-кўзидан нур ёғилиб турган бу кишининг ҳаёт йўли осон кечмагани ажин оралаб қолган юзларидан билинриб турибди. Ленинград қамали, Воронеж остоналаридаги жанглар, Киевни ёвуз душман чангалидан озод қилиш учун бўлган шиддатли тўқнашувлар. Днепрни кечиб ўтишлар, албатта, осон бўлмаган.

Юсупбой ака пахтаси сийраклашган даласига бир дам тикилиб қолди. Жанг суронлари, ўқларнинг қулоқ тагидан визиллаб ўтишлари кўз олдида бир он такрорландимикан?

— Э, дўстим, бу жон дегани текинга қолган. Қуршовда ўлиб кетишим ҳам мумкин эди. Тузи-насибам қўшилган экан, ўйимга қайтдим. Уруш нималигини билмаганлар мендан сўрасин. Мана шу лаънати уруш бўлмасин, деб тиним билмай ишлаяпмиз. Ҳар битта нон ушоғи учун, бир татим туз учун жон олиб, жон берган пайтларимиз бўлган. Нонни, нон берадиган далани қадрлайлик. Қадрламаганлар кўрмаган бу ердаги одамлар бўлади. Мен болаларимга, шогирдларимга энг аввал мана шу гапни ўргатаман. Бўлмаса пахта экиш ҳам, парвариш қилиш ҳам унча катта илм эмас. Садоқат бўлса, жиндек ҳузур-ҳаловатдан кечса, жиндек юрт ишига жони ачиса бўлди. Албатта, тажриба ҳам зарур. Лекин инсоф биринчи ўринда туриши керак.

«Ленинград» колхози наинки Наманган областида, ҳатто Фарғона водийсида номи тилга тушган хўжаликлардан. 25 йилдан буён лафзи ҳалоллик билан эл-юрт олдида сўзининг устидан чиқиб келаётибди. Биргина пилланинг ўзидан беш йил ичида 415 тонна топшириб, беш йиллик планини 108 процент бажаргани, беш йилга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳаммасини шараф билан бажариб бўлганининг ўзи бу хўжалик миришкорларининг фидойи меҳнатига далил эмасми!

35 минг 900 тонна ўрнига 39 минг тонна пахта топшириб, беш йиллик планини шараф билан бажариб қўйгани, яна бир ярим минг тонна пахта топшириш учун жадал иш олиб бораётгани бу хўжаликда ҳамма бир жон, бир тан бўлиб ишлаётганига кафил бўлолмайдими! Тўрт ярим минг тонна пландан ташқари топширилган пахта колхоз кассасини пулга, пахтакорлар рўзғорини қут-баракага тўлдирмайдими?!

Бундай кўп тармоқли хўжаликка омилкор одам раҳбарлик қилиши керак. Худди шундай одам — Ҳамидхон Мамажонов йигирма беш йилдирки, бутун куч-иродасини, билимини ишга солиб хўжаликни бошқаради. Бу бақувват хўжалик ўтган йилнинг ўзида 6 миллион сўм даромад қилган. Шундан 2 миллион сўми соф фойда бўлиб, колхоз кассасига тушди. Булардан ташқари 100 тонна сифатли тола учун давлат яна 211 минг сўм нақд пул тўлади.

Бу ютуқларда Боқибой Раҳматов, Ҳакимжон Бувамирзаев, Маматқул Маҳсумов, Абдуқодир Юсупов сингари бригада бошлиқларининг, Мирзааҳмад Дадамирзаев, Ҳамидулла Қурбонов, Обидхон Болтабоев каби механизаторларнинг, Юнусхон Зиёвуддинов, Ҳошимбой Ҳожиев, Ҳасанбой Ёқуббоев каби сувчиларнинг хизматлари катта бўлди.

Шу азамат пахтакорларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли куни кеча Наманган райони йиллик пахта тайёрлаш планини шараф билан бажарди. Район давлатга 38 минг 725 тонна пахта топширди. Ҳозир район пахтакорлари ваъда қилинган 42 минг тоннали хирмон учун жадал ишлаяптилар.

Ҳа бўл, ҳа бўл, деб биринчи қор ҳам ёғиб ўтди. Бу ҳам табиатнинг бир донолиги. Қиш келяпти, хирмонингни тезроқ тикла, йил бўйи қилган меҳнатинг қор тагида қолмасин, ҳавойи-жаҳон чарақлаб турганда йиғадиганингни йиғиб, терадиганингни ,териб ол, деяпти. Ер мудраяпти. То уйқуга киргунча, устига оппоқ кўрпа тортгунча унга юмшоққина шудгордан тўшак ол!

Наманганлик қадрдонларим, дастурхондек ноз-неъматга тўлган далаларингизда кездим. Деҳқон боласининг нималарга қодирлигини ўз кўзим билан кўриб, офаринлар айтдим. Сиз чинакам деҳқон фарзандисиз. Эл-юрт олдидаги шарафли ваъдаларингизга вафо қилишингизга дил-дилдан ишондим.

Сизга ҳамиша омад ёр бўлсин, азиз пахтакор қадрдонларим!

**СУРАТЛАРДА: 1. «Ленинград» колхозининг илғор теримчиси Ойшахон Қаюмова. Унинг ҳозирга қадар терган пахтаси 6 тоннадан ошиб кетди. 2. Бир вақтлари қўлда 17 тонна пахта териб довруқ таратган, ҳозирда пенсионер, аммо қалби дала ишқи билан ёниб турадиган Тожихон Асқарова. 3. Донгдор бригада бошлиғи Юсупбой Усмонов ўғиллари билан.**

**Автор фотолари.**

ХАЛҚ КОНТРОЛИ саҳифаси

№ 10 • (270)

# БУГУН — ҲАММА ПАХТАКОР!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ УМУМХАЛҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИДА ЯНГИ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ, ЮКСАК МУВАФФАҚИЯТЛАР БИЛАН ҚУТИБ ОЛАЙЛИК! ЗАРБДОРЛАРЧА, СТАХАНОВЧАСИГА ИШЛАЙЛИК!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

● БАРЧА ИШЧИ ҚУЧЛАРИ ВА ТЕХНИКАНИ ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ТЎЛА САФАРБАР ЭТАЙЛИК.

● ТЕРИМЧИ ВА ҲАШАРЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ҲАМИША ЭЪТИБОРДА БЎЛСИН.

## ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Областимиз пахтакорлари етиштирилган мўл ҳосилни тез ва сифатли йиғиб-териб олиб, давлатга топшириш жонбозлик кўрсатмоқдалар. Барча куч ва техника ана шу муҳим ишга сафарбар этилган. 25 мингга яқин халқ назоратчиси бу умумхалқ курашининг олдинги сафларида бормоқда. Шу йилнинг бошидаёқ область халқ контроли комитетининг кенгайтирилган йиғилишида биз ўтган йил сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб, 1985 йилда етиштирилган пахтани нест-нобуд қилмай давлатга топшириш бўйича тадбирлар ишлаб чиққан эдик. Техника тараққиётини тезлаштириш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш кўрсатмаларига асосан пахтачиликни, йиғим-теримни механизациялаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Чунки бу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар, жиддий нуқсонлар кўп эди.

Айниқса, кейинги йилларда пахтани машинада териш соҳасида бир қатор камчиликлар рўй берди. Жумладан, ўтган йили областда ялпи ҳосилнинг фақат 6 процентигина машиналар ёрдамида териб олингани факти билан сира келишиб бўлмайди. Область партия ва совет ташкилотлари якунловчи йилда бу соҳада тубдан бурилиш ясаш учун зарур тадбирлар ишлаб чиқдилар ва уни изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Ҳар бир коммунист ва меҳнатчининг тармоқдаги қолоқликни тугатиш учун олиб борилаётган курашдаги ўрни белгилаб берилди. Шу жумладан, халқ назоратчилари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар қўйилди. Машина-механизмлардан унумли фойдаланиш, ҳар ишда тартиб ва интизомни таъминлаш, тежамкорлик, иқтисод қилиш ва сифат учун кураш ўтказиладиган рейд ва текширишларнинг асосий мақсади қилиб қўйилди. Биз, айниқса, терим техникаси ремонтининг сифатли бажарилишини назорат қилиб бордик. Бу масала область ва барча район халқ контроли комитетларида муҳокама қилиниб, масъулиятсизлик кўрсатаётган хўжалик раҳбарлари ва бош мутахассисларидан ремонт ишларида бурилиш ясаш талаб қилинди. Айрим хўжаликлар бундан ўз вақтида тегишли хулоса чиқариб олишмади. Масалан, Бухоро районидаги Брежнев номли, «Янги турмуш» колхозларида машинада пахта теришда сусткашлик бўляпти.

Пахта йиғим-терими авж олаётган ҳозирги кунларда барча хўжаликларда назорат ишлари бевосита пахта даласига кўчирилди. Халқ контроли активлари сафидаги 9 минг коммунист бу муҳим ишнинг асосий ташкилотчилари бўлаётир. Биз йиғим-терим палласида назорат постлари сонини актив теримчилар, механик-ҳайдовчилар ва транспортчилар ҳисобига 300 тага кўпайтирдик. Улар ҳосилни териш, қуритиш, ташишдан тортиб пахта тозалаш заводларида тола чиқаришгача барча жараёнларни қатъий назорат остига олганлар.

Пешқу районидаги «Октябрь» колхозининг халқ назоратчилари мавсум бошида йиғим-теримни намунали ташкил этиш юзасидан тадбирлар белгилаган эдилар. Район партия комитети маъқуллаган шу тадбирлардан сўнг назорат ишига қўшимча яна 30 киши жалб қилинди. Улар пахтани ҳом термаслик, қуритиш майдончаларини ёнғинга қарши инвентарлар билан жиҳозлаш, ҳосилни транспортга ортиш ва ташиш пайтида нобудгарчиликка йўл қўймаслик, йўлларнинг ёқаларида тўкилган ҳосилни соладиган қутилар ўрнатишни текшириб боряптилар. Колхозда етиштирилган ҳосилнинг ярмини машиналар билан териб олиш режалаштирилган. Шу муносабат билан терим-транспорт отрядларида меҳнатнинг узлуксиз ташкил қилиниши, машиналарга ўз вақтида техника хизмати кўрсатиш, механик-ҳайдовчиларга зарур шароитлар яратиб бериш диққат марказида турибди.

Шунингдек, Қорақўл районидаги «Правда», Ғиждувон районидаги Карл Маркс номли колхозлар ва бир қатор хўжаликларда халқ назоратчилари йиғим-теримдаги жараёнларга актив аралашиб, ишда рўй бераётган нуқсонларнинг тезда тугатилиши учун зарур чораларни кўраётирлар. Халқ назоратчилари шу кунларда, айниқса, барча ишчи кучларининг йиғим-теримга тўла сафарбар этилишини қаттиқ кузатиб турибдилар. Айрим хўжалик раҳбарларининг бепарволиги сабабли Когон районида меҳнатга лаёқатли колхозчи, совхоз ишчилари йиғим-теримда тўла иштирок қилмаяпти.

Шу муносабат билан область халқ контроли комитети халқ назоратчилари олдига конкрет вазифалар қўйди. Меҳнат ресурсларининг йиғим-теримга тўла сафарбар этилиши бўйича шу кунларда ўтказилаётган рейдларда 5 мингга яқин халқ назоратчиси қатнашмоқда. Текшириш якунлари халқ контроли комитетлари ва группалар мажлисларида муҳокама қилиниб, ишга масъулиятсизлик билан қараётган хўжаликларнинг раҳбарларига, интизомсизлик қилаётган шахсларга нисбатан жиддий чоралар кўриляпти.

Халқ назоратчилари областимизнинг 469 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини ёғин-сочинли кунларга қолдирмай тезроқ териб олиш ва давлатга топшириш, етиштирилган ҳосилдан кўп ва сифатли тола ишлаб чиқариш учун курашда фаол иштирок этишни ўзларининг шарафли бурчлари деб билмоқдалар.

**Н. САИДАҲМЕДОВ,**
**Бухоро область халқ контроли комитетининг раиси.**

**Бухоро районидаги «Маданият» колхози халқ назоратчилари пахта йиғим-теримда фаол қатнашибгина қолмай, ҳосилнинг тез ва нобуд қилмай териб олинишни ҳам кузатиб бормоқдалар. Бу эса терим суръатини анча оширишга таъсир кўрсатди. Суратда: халқ контроли группаси аъзоси Маҳмуд Аслонов Матлаб Расулева бошлиқ бригада теримчиларидан Саида Шукурова ва Сайёра Рўзнева билан пахтани сифатли териш ҳақида суҳбатлашмоқда.**

**Х. Қурбонов фотоси.**

*«Совет Ўзбекистони» ва халқ контроли комитетининг қўшма рейди*

## ҲАР ЛАҲЗА ҒАНИМАТ

**Баҳористон — Қашқадарё областининг қўриқ райони. Чўлқуварлар ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида она-Ватанга 28 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олишган. Биз район хўжаликларида бўлганимизда, 13 минг гектар ерда мўл ҳосил етиштирилганлигининг гувоҳи бўлдик. Аммо йиғим-теримда эса сусткашлик кайфияти ҳукмрон. Хўш, нега шундай? Қолоқликнинг сабаблари нимада?**

### МАШИНАЛАР УМРИ БЕКОР ЎТМОҚДА

Бундан бир неча кун олдин райондаги 35-совхозда бўлганимизда, директор Қурбонбой Аминов коллектив 27 иш кунида пахта тайёрлаш планини бажариш мажбуриятини олганини, бунга машиналар кучидан самарали фойдаланиш эвазига эришилишини айтганди. Амалда қандай бўлди? Совхозда йиғим-терим ушоқлик билан бошланди-ю, бироқ кейинчалик суръат сусайиб кетди. 50 та терим машинасидан фақат 20-23 тасини ишлатиш одат тусига кириб қолди.

Ўнлаб машиналар қантариб қўйилганлиги учун ҳам йиғим-теримда барака бўлмаяпти. Ишлатилаётган машиналарнинг иш унуми ниҳоятда паст, ҳар бир агрегат билан кунига ўртача бир тоннага етар-етмас пахта териляпти.

— Олдинги ваъдалар қани? — сўраймиз директордан.

— Машиналар тез-тез бузилавериб, бизни ваъдабоз қилиб қўйди, — дейди у елка қисиб.

Терим агрегатларининг гоҳ у қисми, гоҳ бу қисми ишламай қолаётганлиги рост. Бунинг турли сабаблари бор. Биринчидан, «зангори кема»ларнинг ҳаммаси ҳам малакали механизаторларга топширилмаган. Қолаверса, машина теримига ажратилган майдонлар бегона ўтлардан тозаланмаган. Ҳатто дефолиация сифатсиз ўтказилган пайкаллар ҳам бор. Ана шу нуқсонлар терим агрегатларининг унумли ишлашига ғов бўляпти.

Райондаги 25-совхоз меҳнат аҳли бу йил давлатга 6400 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олган. Далада ҳосил мўл бўлса-да, уни йиғиб-териб олиш ишлари юксак мажбурият даражасида эмас. Пахта теримида ўта сусткашлик ҳукм суряпти. Шунинг учун ҳам район партия комитети бюросининг мажлисида совхоз директори Ражабқул Чориқуловни хизмат вазифасидан четлаштириш масаласи қўйилди. Лекин бу билан ишда ўзгариш бўлдими? Афсуски, ҳозирча — йўқ. Кунига йиллик планнинг 2 процентига етаргетмас пахта тайёрланяпти, холос. Чунки хўжалик раҳбарлари ҳали ҳам машиналар қудратига шубҳа билан қараяптилар. Мавжуд 50 та терим агрегатидан фақат 27 таси ишлагандан кейин аҳволни ўнглаб бўладими? Бунинг устига иш унуми паст.

Райондаги 27-, 29-совхозларда ҳам машиналардан самарали фойдаланилмаяпти. Ишга яроқли бўлган 50-60 та терим агрегатининг ярмидан кўпроғи ҳар хил баҳоналар билан бекор турибди.

Районда ишчи кучи кам бўлганлиги сабабли асосий эътибор машиналардан самарали фойдаланишга қаратилиши керак. Афсуски, 36 та терим-транспорт отрядига бўлинган 220 та терим машинасидан атиги 120 таси ишлатилаётир. Далага чиқарилган машиналарнинг иш унуми ҳар бир агрегат ҳисобига графикда белгиланган 4 тонна ўрнига 1,2 тоннаданга тўғри келаётганлигининг ўзи ҳам техникага ғоятда юзаки муносабатда бўлинаётганлигини тасдиқлайди.

### ТЕРИМЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ШУМИ?

Баҳористон пахтазорларида 4,5 минг киши теримда. Уларнинг тенг ярмини ҳашарчилар ташкил этади. Қалб даъвати билан чўлга келган Шаҳрисабз шаҳар ташкилотларининг ходимлари, қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми ва медицина билим юрти талабалари астойдил жон куйдириб ишлаётирлар.

Биз айни пешин пайтида 29-совхознинг Шуҳрат Носиров бошқарувчилик қилаётган 3-бўлими дала шийпонида бўлдик. Бу ерда Шаҳрисабз қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумининг талабалари жойлашган экан. Техникум директори Теша Азимов ҳосил кўплигидан йиғит ва қизлар дастлабки кунларданоқ нормадан ошириб пахта тераётганлиги тўғрисида фахрланиб гапирди.

— Теримчиларга қандай шароит яратилган? — деб сўрайримиз ундан.

Ҳозиргина қувониб сўзлаётган директорнинг авзойи ўзгарди. «Мана, ўзингиз кўринг», — деб бизни теримчилар ётоқхонасига бошлади. «Теримчилар кечқурун телевизор кўрмасалар ҳам, электр ёруғида овқатланиб олсалар катта гап эди». У ҳақ эди. Шийпондаги бешта хонага электр ўтказилмаган.

Муҳаммадназир Сатторов, Мурод Қорёрдиев, Ибод Баротов бошқарувчи бўлган бўлимларда ҳам теримчиларга зарур шароит яратилмаган. Хоналаргa палос тўшалмаган, электр йўқ. Овқат пиширишга учун ўтин етказиб берилмаяпти. Медицина ходимлари биркитилмаган. Бунинг устига дори-дармонлар йўқ. Савдо хизмати эса, умуман, ташкил этилмаган.

35-совхоз далаларида Шаҳрисабз медицина билим юртининг 600 дан зиёд талабаси пахта термоқда. Ҳашарчилар шунчалик ғайрат билан меҳнат қилишяптики, совхоз ҳар бир ишчисининг кунлик иш унуми ўртача 35-40 килограмм бўлаётган ҳолда, студентларники 70-80 килограммга тўғри келяпти. Бироқ ёрдамчилар учун яратилган шароит шижоатли меҳнатга яраша эмас. Ҳашарчилар кўрпа-тўшак билан етарли таъминланмаганлар. Холодильник, овқат пиширишга учун ёқилғи йўқ. Наҳотки, хўжалик раҳбарлари шу долзарб кунларда кўмакка келганларга бепарво муносабатда бўлсалар?

### НАВБАТ КУТИБ ҚОЛИШЯПТИ

Сулаймон Муродов номли пахта қабул қилиш пункти дарвозаси ёнида тележкалар турна қатор.

— Нега пахтани топширмаяпсизлар? — сўрадик ўзини 29-совхознинг 6-бўлим механизатори деб таништирган Бойназар Чориевдан.

— Олмасалар нима қилайлик, — деди у. — Сал шабада тургудай бўлса шуни баҳона қилиб пунктни ёпиб олишади.

— Тўрт соатдан бери навбат кутяпман, — деди фиғони чиқиб Аннақул Қорёрдиев. — 29-совхознинг Оғаниёз Қуллиев бошлиқ бригадасиданман, икки тележка пахтани топширолмай гарангман.

Бу ерда пахта келтирган механизаторлар фақат навбат кутибгина эмас, тарозибон, товаршунос ёки лаборатория ходимларини қидириб тополмай хуноблари ошган. Пунктда эса тартиб-интизом йўқ. Пахта қабул қилиш қоидасига ва графигига риоя қилинмаяпти. Айрим кунлари хўжаликлардан келтирилган пахта ярим кунлаб пункт эшиги олдида туриб қолаётир. Техниканинг ҳам, уни бошқараётган одамларнинг ҳам қимматли вақтлари бекор ўтяпти. Биз рейд ўтказган куни ҳам худди шундай аҳвол содир бўлди: пункт мудири Фароғат Аминовани, молшунос ва лаборант ходимларни излаб топишнинг иложи бўлмади. Фақат асли ихтисоси педагогу, аммо тарозибонликни касб қилиб олган Хушвақт Маллаевни кундуз куни иш вақтида ухлаб ётган жойидан турғазишга мажбур бўлдик.

Комил Алиев мудирлик қилаётган Помуқ пахта тайёрлаш пунктида ҳам ана шундай аҳволни кўрдик. «Ўзбекистон» ва 35-совхозлардан келтирилган 25-30 тележка навбат кутиб турарди. Кундуз куни 120-150 тонна пахта қабул қилиш имконияти бўлгани ҳолда пункт ходимлари «шамол бўляпти» деган баҳона билан баъзан кечгача фақат 6-10 тонна пахта олишяпти, холос.

Бу йил Қарши пахта тозалаш заводига қарашли Сулаймон Муродов номли, Ҳамза номли ва Помуқ пахта тайёрлаш пунктлари Баҳористон районидан 28 минг тонна пахта қабул қилиб олиши керак. Бироқ пунктлардаги тартибсизлик умум ишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

**Машиналарнинг қантариб қўйилгани, теримчиларга етарли шароит яратиб берилмаётганлари ва қабул пунктларидаги машмашалар районнинг пахта тайёрлашда областда энг кейинги ўринга тушиб қолишига сабаб бўляпти. Вақт эса ўтиб боряпти. Шу долзарб кунларнинг қадрига етиб, пахта тайёрлаш суръати оширилмаса, кейин «аттанг» деб қолиш мумкин. Кейинги пушаймондан эса фойда бўлмайди. Хўжаликлар ва агросаноат бирлашмаси раҳбарлари буни асло унутмасликлари зарур.**

**М. КАРОМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**
**И. ФОЗИЛОВ,**
**Баҳористон район халқ контроли комитетининг раиси.**

*• Ажаб савдолар*

### БАҲОНА ТАРОЗИ БОСМАЙДИ

«Ленин байроғи» колхози пахта тайёрлашда Хўжайли районидаги бошқа хўжаликлардан орқада қолмоқда. Кўп бригадаларда кунига атиги 1,5-2 процентдан пахта тайёрланяпти. А. Утениёзов, Ж. Сарсенбоев, У. Утемуродов бошлиқ бригадаларда суръат бундан ҳам паст. Бунинг сабаби нимада? Ахир, хўжалик далаларида 200 ўрнига 324 шаҳарлик ёрдамчи ишлаяпти-ку? Ҳа, ҳашарчилар далада, колхозчилар эса — панада. Мана мисол: колхозда 151 теримчи рўйхатга олинган. Аммо улардан тенг ярми уйида хўриғиб-ди. Машина терими ва ўқувчилар тераётган ҳосилни ҳисобга олмаганда, колхозчиларнинг терган пахтаси кунига 3 тоннани, шаҳарлик ёрдамчиларники эса 9 тоннани ташкил этяпти.

Шунингдек, терим машиналарининг ҳам иш унуми паст. Ҳар икки «зангори кема»дан биттаси ремонт кутиб, тўхтаб турибди.

(Хабарлардан).

### АВТОЛАВКА ҚАЧОН КЕЛАДИ?



Наманган районидаги Охунбобоев номли колхознинг Маҳаммаджон Бадалов бошлиқ бригадаси аъзолари 170 гектар ерда етиштирилган пахтани тезроқ йиғиб-териб олиш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Бригадада 55 ишчи бор. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам теримда қатнашмаяпти. Сабаби — бригада бошлиғи ҳар куни икки-уч кишига шахсий ишлари учун жавоб беришга мажбур бўляпти. Чунки районда пахтакорларга маиший ва савдо хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаган. Кўчма дўкон ва автомагазинларнинг дала айланиши фақат номигагина ташкил этилган. Масалан, пахта терими даврида шу дала шийпонига бирор марта ҳам кўчма дўкон ёки маиший хизмат ходимлари келишмади. Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам савдо ва маиший хизмат ходимлари ёрдами сезилмаяпти. Натижада теримчилар пахта йиғим-теримида тўла иштирок этолмай, ўзларига зарур нарсалар учун район марказига қатнашга мажбур бўлмоқдалар.

(Хабарлардан).

*• Назоратчилар ҳақида ҳикоялар*

## УНИНГ ЎРНИ

Абдусамат Исроилов совхоз устахонасига кириб келганида, рейд қатнашчилари Асомбек Қодирбеков ва Мўминжон Камолов шай туришарди. Улар бугунги рейд ҳақида маслаҳатлашишди.

— Болтабой Абдусолиев бошқарувчилик қилаётган бўлимдан иш бошласак, — деди назоратчи А. Исроилов. — Машина терими қандай ўтаётганлигини кўрамиз.

Назоратчилар бўлим пахтазорлари томон йўл олишди. Абдусамат Исроилов икки йилдан бери совхоздаги биолабораторияда агроном бўлиб ишлаётир. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг охирги курсида ўқимоқда. Халқ контроли бош группаси йиғим-теримни тез ва соз ўтказиш бўйича ишлаб чиққан тадбирларида ҳар бир группа олдига конкрет вазифалар қўйди. Рейдлар самара бера бошлади. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг шу совхозда практика ўтаётган студентлари, ўқитувчилари ҳам рейдларда иштирок этмоқда.

Назоратчилар рейдни еттинчи бўлимнинг Ўрозали Ҳайдаров бошлиқ бригадасидан бошлашди. Бригада 77 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқда. Бу ерда машина терими қизғин борар, кунлик топшириқ ошириб адо этиларди. Лекин пайкалларда кўпгина «оқ олтин» тўкилган, тупроққа қоришиб ётарди.

— Сиз 5 центнер пахтани исроф қиляпсиз, — деди А. Исроилов. — Агар шунча центнер ҳосил нобуд бўлмаганда бугун рапорт берган бўлардингиз.

Бригада бошлиғи лом-мим дея олмай қолди. Сўнгра:

— Механизаторимиз Эргашали Ҳамроев тажрибасизлик қилибди, — деди.

Назоратчилар терим машинасини кўздан кечиришди. Аниқланишича, Э. Ҳамроев вентилятор қўйишни унутган экан. Назоратчилар унга танбеҳ беришди, агрегатдаги носозлик тузатилди.

А. Исроилов бошлиқ группа кеча яқин 6-бўлимга ўтди. Эргаш Маматқулов бошлиқ бригаданинг терим майдонлари кўрикдан ўтказилди. 88 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган бригада аъзолари машина теримига эътибор беришмоқда. Акмал Қорабеков, Жўра Солиев сингари механизаторлар сифатли пахта теришга эришмоқдалар.

Ильич районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхози ишчилари йиғим-терим мавсумини тез ва соз ўтказиш учун ҳар томонлама тайёргарлик кўришди. Бунда халқ контроли группаси йиғим-теримни қисқа муддатларда, нобудгарчиликка йўл қўймасдан юқори сифатли ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқди. Совхоз пахтакорлари бу йил камида 9000 тонна пахта топширишга аҳд қилганлар. Ҳосилнинг 85 проценти эса машиналар билан териб олинади.

Халқ контроли группаси аъзолари, аввало, дефолиацияни сифатли ўтказишга эришдилар. Бурилиш майдончалари, йўллар, кўприклар, хирмон жойлари тайёрлиги, ўқариқларнинг текисланиш ҳолати кўздан кечирилди. Сўнгра пахта теримида иштирок этадиган барча техника воситаларининг ишга шайлиги назоратдан ўтказилди.

Группа аъзолари асосий эътиборни машиналарда терилган ҳосилнинг сифатига қаратишди. Бунда халқ контроли муваққат постлари, сифат комиссияларининг иши алоҳида диққатга сазовордир. Улар пахта териш машиналари кучидан тўла фойдаланиш, техника хизмати кўрсатиш, бўлим ва бригадаларда ҳосилнинг сақланишини назорат қилиш, пахтани ортиш пайтида, йўлларда ва хирмонларда нобуд бўлишига қарши кураш олиб бормоқдалар. Ана шу ишларда назоратчи Абдусамат Исроиловнинг ҳиссаси катта.

Халқ назоратчилари икки хил сифат талонини жорий этишди. Қизил рангдаги сифат талонини қўлга киритган механизатор иш ҳақига қўшимча 15 процент ҳақ олади. Иккинчи — кўк талон эса 10 процент ҳақ олиш имконини беради. Бу ҳар бир механизаторни юксак суръат ва сифат билан ишлашга ундамоқда.

Пахтазорда ҳаёт қайнайди. Ҳамма якунловчи йил ҳосилини тезроқ йиғиштириб олиш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Ана шу жасорат майдонида халқ назоратчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

**М. ПИРМАТОВ,**
**Ҳ. МАДАТОВ.**

*• Назоратчилар дала кезади*

## ЖАНГОВАР ПОСТДА

Якунловчи йилда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 31 центнерга етказиш учун қатъий кураш олиб боряпмиз.

Шу кунларда йиғим-терим тобора авж олмоқда. Бунда биз, назоратчилар ҳам олдинги сафда турибмиз. Рейдлар ўтказиб пахта хирмонларида, кўчаларда бирор тола пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўймаяпмиз. Механизаторларнинг иши унумли ва сифатли бўлишига, уларнинг самарали ишлаши ва дам олишига ҳам эътибор беряпмиз. Н. Стряпшева, А. Мусаев сингари халқ назоратчилари ҳар бир рейдни самарали ўтказишга эришмоқда.

Группамиз аъзолари ўтказаётган рейд натижалари совхоз партия ташкилотида муҳокама қилиниб, йўл қўйилган нуқсонлар ўз вақтида бартараф этилмоқда. Бу бизларни янада самарали ишлашга ундаётир.

**А. НУРҒАЛИЕВ,**
**Мирзачўл районидаги С. Сегизбоев номли совхоз халқ контроли группаси аъзоси.**

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАЙЁРЛАШ МИНИСТРЛИГИ:**

— Шўрчилик Х. Бобомуродовнинг шикоят хати министрлик томонидан текширилганда унда баён этилган фактлар тўла тасдиқланди. Сурхондарё область дон маҳсулотлари бошқармаси бошлиғи А. Ҳасановга моддий жавобгар бўлган кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш устидан назорат бўш йўлга қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шўрчи дон қабул қилиш корхонаси бош бухгалтери Т. Абдуллаевга қўпол камчиликларга йўл қўйганлиги учун қаттиқ ҳайфсан берилди. Корхонанинг лаборатория мудири Б. Асадов ва корхона директори Х. Хўжамқуловга нуқсонларга йўл қўйганликлари учун қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Белгиланган тадбирлар устидан назорат ўрнатилди.

**ФАРҒОНА РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:**

— Лоғон қишлоғида яшовчи М. Абдуҳаҳоровнинг хатида кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Лоғон алоқа бўлими бошлиғи Тошалиева обуначига ўз вақтида газета ва журналларни етказиб беришни таъминламаганлиги учун қаттиқ ҳайфсан берилди.

# В. И. ЛЕНИН МУЗЕЙИДА

Совет кишиларининг жаҳон пролетариати йўлбошчиси, Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкорига нисбатан иззат-ҳурмати ғоят каттадир. Ўзбекистон пойтахтининг аҳолиси ва меҳмонлари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига узлуксиз келиб турибдилар. Кейинги вақтларда музей экспозицияси ленинча миллий сиёсат тантанаси тўғрисида, Ильич васиятларининг амалга оширилаётганлиги ҳақида, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг тарихий қарорлари рўёбга чиқарилаётганлиги тўғрисида, республика меҳнаткашлари мамлакат коммунистларининг бўлажак анжуманини меҳнатда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олиш иштиёқида эканликлари ҳақида ҳикоя қилувчи янги материаллар ва ҳужжатлар билан бойиди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги арафасида томошабинлар музейнинг мармар залларига яхши кайфият билан келмоқдалар.

16 октябрь куни бу ерда шонли воқеа рўй берди. Музейга саккиз миллионинчи томошабин келди. У Тошкентдаги Н. Кузнецов номли 5-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси комсомол Сарвар Қодиров эди. Музей ходимлари уни самимий табриклаб, унга гуллар, Ленин тасвири туширилган нишон, эсдалик совғаси топширдилар.

Сарвар Владимир Ильич номи билан боғлиқ ҳамма нарса унинг учун азиз эканлигини, шу боисдан у ўз ўртоқлари билан бирга музейда тез-тез бўлиб туришини айтди. **(ЎзТАГ).**

# ПЛАНЕТАНИНГ СОҒЛИҒИ ТЎҒРИСИДА ЖОН КУЙДИРИБ

Тошкентда «Биосфера ҳолатининг комплекс ялпи мониторинги» мавзуидаги учинчи халқаро симпозиум ўз ишини давом эттирмоқда. 20 та мамлакат ва халқаро ташкилотнинг олимлари, эксперт мутахассислари табиий муҳитни ўлчаш системасининг, қуруқлик ва дунё океани экологик структурасига, иқлим, атмосфера қатлами ва атроф дунёнинг бошқа ҳаётий муҳим соҳаларига одам фаолиятининг ортиб бораётган таъсири тўғрисидаги контрол маълумотлар ва тенденцияларга баҳо бериш турли жиҳатлари юзасидан тўпланган тажрибани, маълумотларни баҳам кўрмоқдалар.

— Шу симпозиумда бошқа программалар қаторида Жаҳон метеорология ташкилоти амалга ошираётган биосфера ҳолати мониторинги программаси ҳам муҳокама қилинмоқда, — деди шу ташкилотнинг етакчи мутахассиси, симпозиумни ўтказиш халқаро ташкилот комитетининг аъзоси А. С. Зайцев. — Жаҳон об-ҳаво хизмати шуларнинг энг муҳимларидан бири бўлиб, у ҳамма мамлакатлар ўртасида гидрометеорологик маълумотларни мутасил айирбошлаб туришни ташкил этмоқда. Бундай маълумотлар бугунги кунда биринчи даражали халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлиб, ҳозирги учрашув мана шу хизматни янада такомиллаштиришга ёрдам бериши шубҳасиздир. Жаҳон иқлим программаси, ҳаво, атмосфера ёғини, сув ва тупроқ нечоғлик тозалиги устидан кундалик ялпи назорат ҳам муваффақият билан амалга оширилмоқда. Бутун планетани ўз ичига олган икки юзтадан кўп станция кузатиш ишлари билан банд. Ана шу масалалар юзасидан Ўзбекистондан ҳам муттасил муфассал ахборот олиб турамиз.

— Симпозиумда тақдим этилган материаллар анализи кейинги йиллар биосфера ҳолатининг комплекс ялпи мониторинги соҳасида каттагина силжиш бўлганлигига ишонч ҳосил қилдиради, — деди БМТ атроф-муҳит программаси (ЮНЕП) расмий вакили экология профессори Майкл Гвинн. — Одам фаолияти билан боғлиқ омилларнинг дунё қўламида табиий муҳитга таъсиринг кучайиш тиклаб бўлмайдиган жараёндир. Лекин кишилар холис ниятда бўлганлари тақдирда, уни назорат этса бўлади. Шу жиҳатдан олганда бир қанча ижобий мисолларга эгамиз. Масалан, ЮНЕП ташаббуси билан планетадаги жамики жонзодни қуёшнинг ҳалокатли радиациясидан асрайдиган атмосфера озон қатламини бузишдан муҳофаза этувчи халқаро конвенция тузилди, махсус мувофиқлаштирувчи комитет тузилиб, турли мамлакатларнинг экспертлари унга аъзо бўлиб кирди. Ўрта денгиз ҳавзаси сувини сақловчи давлатлараро маблағ фонди тузилди. ЮНЕПнинг барча тадбирларини амалга оширишда совет олимлари ва мутахассислари ниҳоятда фаол қатнашаётганликларини қайд этиш қувончлидир.

**(ЎзТАГ).**

# УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Қўриқ Задарё районида 1986 йил нашрларига обуна уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Айниқса, «Правда» колхози, «Наманган» совхози, Гулбоғ тажриба-тозалаш заводи коллективлари бу борада ўрнак бўлишяпти. Абдухалил Абдураҳмонов, Олимжон Каромов, Саодат Раимова сингари жамоатчи обуна тўпловчиларнинг ташкилотчилиги туфайли келгуси йил нашрларига ёзилувчилар ҳар йилгидан кўп бўлаётир.

Гулбоғлик Расулжон Тиркашевнинг ойлаги 213 сўмлик турли газета-журналларга обуна бўлди. Қаюмжон Йўлдошев, Собиржон Алиев, «Украина» совхозидан Қосимжон Нишонов, Рустамжон Исмоилжонов ҳам 12—17 нусхадаги газета-журналларни келгуси йилдан бошлаб ўқийдиган бўлдилар.

Бу сиёсий кампания районнинг бошқа жойларида ҳам қизғин давом этаётир. Меҳнаткашлар марказий ва маҳаллий матбуот нашрларига катта қизиқиш билан обуна бўлишаётир.

**Қ. АКБАРОВ,**
**Наманган области.**

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР — ҲАР БИР ХОНАДОНГА

# ОБУНА ЯКУНЛАНДИ

Ургут районидаги Калинин номли колхоз территориясида жойлашган 42,- 101-, 80-мактаблар коллективлари 1986 йил учун газета ва журналларга биринчилар қаторида обуна ишларини якунладилар. Мазкур мактаблардаги олтмиш нафар ўқитувчи ва 520 нафар ўқувчи 780 нусхадаги газета-журналларга обуна бўлдилар.

Жамоатчи обуна қабул қилувчилардан Муртазо Вайдуллаев, Баҳрин Раҳматов ҳамда Наби Ғаниев каби ўқитувчилар бунга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

**Ш. ШОНИЁЗОВ,**
**Самарқанд области.**

## РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

**● ИШ УСТАСИДАН ҚУРҚАДИ**

**Руминиянинг Кэлэрашн шаҳрида истиқомат қилувчи Ион Стерескуни ҳақли равишда тиниб-тинчимас рационализатор ва қўли гул уста, деб аталади. У «Дачия» енгил автомобилини газ билан бошқариш учун жуда кўп уринди. Ниҳоят ниятига етди. Яқинда у ўз машинасида Кэлэрашн — Бухарест маршрути бўйлаб сафар қилди. Ҳайдовчи машинасига одатдаги бензин баки ўрнига ошхонадаги оддий плитага қўйиладиган газли баллонни ўрнатган эди.**

**● ЛАГОС УСМОҚДА**

**Нигерия пойтахти Лагос Африка қитъасида Қоҳирадан сўнг энг катта шаҳардир. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, унинг аҳолиси ҳозир қариб 6 миллион кишини ташкил қилади. Шаҳарда аҳоли борган сари кўпаймоқда. У ҳар минутда ўрта ҳисобда бир кишига ортяпти.**

**Аҳолининг кўпайиш суръати шу тарзда давом этаверса, икки мингинчи йилга бориб лагосликлар сони икки баравар ошади.**

**● ДЕНГИЗНИ ЗАҲАРЛАМОҚДАЛАР**

**Италиянинг Адриатика денгизига туташ 60 километрдан кўпроқ шарқий қирғоқлари офатга учраган зона, деб эълон қилинди. Денгиз сувларининг ишлаб чиқариш заарли чиқиндилари билан заҳарланиши катта хавф туғдираётганлиги қайд этилди.**

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Ўрта Ер денгизи сувларига ҳар йили 120 минг тонна минерал ёғ, 100 тонна симоб бирикмаси, 2,4 минг тонна хром, 320 минг тонна фосфор, 21 минг тонна рух ва тирик организм учун хавфли бўлган бошқа моддалар ташланмоқда. Агар бундай аҳвол яқин ўн йилликда сақланиб қолса, у ҳолда Ўрта Ер денгизи улкан оқавалар ўрасига айланиб қолади ва бу жойлар жуда кўплаб туристлар учун бекилади.**

**● ГИЕВАНДЛИК АВЖИДА**

**Малайзияда йил бошидан бери олти мингдан зиёд киши қонунга хилоф равишда нашафурушлик қилганлиги учун қамоққа олинди. Шу ҳақдаги 1952 йилдаги қонунга кўра, қамалганларнинг 315 тасини қатл ва қариб 100 кишини умрбод қамоқ жазоси кутади. Полиция 613 килограмм афюн, 85 килограмм героин ва салкам 28 минг дона турли хил наркотик таблеткани қўлга туширди.**

**● ИХТИЁРИЙ ҚУТҚАРУВЧИ**

**Мишель Ру бир неча йил қаторасига Виьфранш-сюр-Шер районига оиласи билан дам олгани ва балиқ овлагани келади. У бу йил шу жойга келиб чодирини ҳали ўрнатиб ҳам бўлмаган эдики, ёрдам беринг, деган ғидони эшитиб қолди. Қараса, бир аёл чўкяпти. Мишель ўзини сувга отиб, аёлни қутқариб қолди. Шундай бўлдики, у кечқурун яна бир омадсиз сузувчини ҳалокат домидан олиб чиқди. У отпускаси тугагунча ҳаммаси бўлиб олти кишини ўлим чангалидан халос қилди. «Матин» газетаси шу ҳақда ҳикоя қилар экан, Мишель Рунинг келаси йил бу ерга дам олгани кела олмаслигини афсусланиб маълум қилди. Чунки Ру яқинда ишсиз қолди.**

**● ИЛОЖСИЗЛИК ОҚИБАТИ**

**Колумбия матбуотида Висенте Лонгар Анайанинг агар нархи келишилса, ўз кўзини сотишга тайёр эканлиги ҳақидаги хабар босилиб чиқди.**

**Испаниянинг Барселона шаҳрида яшовчи 44 ёшли бу киши хотини ва боласи яшаётган Брюссель шаҳрига борiш учун пули йўқлиги туфайли кўзидан маҳрум бўлишга ҳам рози эканлигини маҳаллий журналистларга айтди. Висенте бундан саккиз ой муқаддам пул орттириш мақсадида Боготага келган эди. Аввалига унинг иши юришгандай бўлди. Хусусий компания ташкил қилди. Орадан кўп ўтмай омадсиз испания ундан учар кишилар таназзулга учратишди. У бир кунининг ўзидаёқ бор-будидан айрилди.**

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.


# РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-ҚУРС КОМБИНАТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича

## ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БАРЧА ПРОФИЛДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ ТОВАРЛАРИ БУЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КОНТРОЛЁР-КАССИР ВА СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ.

**Группаларга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**
**Ўқиш муддати — 6 ой.**

Озиқ-овқат ва саноат товарлари бўйича кичик сотувчилар тайёрлайдиган группаларга тугалланмаган ўрта (8, 9-синф) маълумотли, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар ҳам кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

**Ўқиш муддати — 8 ой.**

Контролёр-кассир ва кичик сотувчилар тайёрлайдиган группаларнинг барча тингловчиларига ҳар ойда 54 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Шунингдек, ошпазлар тайёрлайдиган группаларга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

**Ўқиш муддати— 11 ой.**

Қабул қилинганларга ҳар ойда 54 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Контролёр-кассир, кичик сотувчи ва ошпазлар тайёрлайдиган группаларда ўқиш ҳар бир группа комплектлангандан сўнг бошланади.

Республика ўқув-курс комбинати барча группаларга Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиганларни қабул қилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

**Республика ўқув-курс комбинатининг барча группаларига ҳужжатлар қабул қилиш, шунингдек, группаларда ўқиш бутун йил давомида узлуксиз равишда олиб борилади.**

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

**Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.**

Тингловчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида— Тошкент бош универсал магазини—ГУМда, Республика «Гастроном» конторасига қарашли магазинларда ҳамда ресторан ва умумовқатланиш трестларининг илғор корхоналарида ишлаб чиқариш таълими (практика)ни ўтказадилар.

**Ўқув-курс комбинатининг барча группаларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, характеристика.

Ўқув-курс комбинати адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез ёрдам касалхонаси» бекати, 4, 9-трамвайларнинг «Чўпонота» бекати). Телефон: 78-44-30.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги
«УЗСТАЛЬКОНСТРУКЦИЯ» МАХСУС ТРЕСТИНИНГ ОЛМАЛИҚ «СТАЛЬМОНТАЖ» БОШҚАРМАСИ

пўлат ва темир-бетон конструкциялар монтажи бўйича монтажчиларни бошқармининг ОЛМАЛИҚ, АНГРЕН шаҳарларида жойлашган бўлинмаларида, химия объектлари — ОЛМАЛИҚ ХИМИЯ ЗАВОДИ, шунингдек ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ, ОҲАНГАРОН ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ, ЯНГИ АНГРЕН ГРЭСи қурилишларида меҳнат қилиш учун

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**Меҳнатга ҳақ тўлаш — ишбай-мукофотли ва вақтбай-мукофотли.**

Монтажчилик касбларига эга бўлмаган ишчилар ва Совет Армияси сафларида хизматни ўтаб қайтганлар Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг ўқув марказидаги 2 ойлик кундузги курсларга юборилади.

Ўқувчилар ойига 76 сўм миқдорда стипендия ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган маошнинг 50 процанти билан таъминланадилар.

**Ёлғиз ишчилар Олмалиқ, Ангрен шаҳарларида ётоқхона билан, оилалилар қондага мувофиқ равишда квартира билан таъминланади.**

Барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат этилсин: 702400, Тошкент области, Олмалиқ шаҳри, 12-алоқа бўлими. Телефон 4-33-54, Олмалиқ «Стальмонтаж» бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ

**материалларга электрон-ионли ишлов бериш лабораториясига кичик илмий ходими** (илмий даражасиз)

вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ 3 НОЯБРГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри, 143-алоқа бўлими, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 33-уй.

Ўзбекистон ССР Госпланининг
ИЛМИЙ-ТЕХНИКА АХБОРОТИ ВА ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**бўлимларининг катта илмий ходимлари:** оғир саноат, транспорт, алоқа ва геология соҳасида илмий таҳлил, илмий-техника ахбороти ва техник-иқтисодий тадқиқотларни умумлаштириш; қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий таҳлил, илмий-техника ахбороти ва техник-иқтисодий тадқиқотларни умумлаштириш.

**Конкурс муддати — 25 октябргача.**

**Мурожаат учун адрес:** Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй. Телефон 45-61-67.


# Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/X да **Севгига севги билан**, 19/X да **Пётр Биринчи**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/X да **Куёв**, 19/X да **Юлдузли тунлар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/X да **Хотинининг эри**, 19/X да **Олтин даврим** (16.00), **Олифта** (19.30).


Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коллективи институт ректори, профессор С. И. Искандаровга онаси

Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги институти коллективи қишлоқ хўжалиги технологияси кафедрасининг доценти Т. С. Абдураҳмоновга онаси

Нишонбуви АБДУРАҲМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


# спорт

## ЯНГИ КОМПЛЕКС

**Туямўйин гидроузели бунёдкорлари шаҳри — Дружбада замонавий лойиҳа асосида спорт комплекси фойдаланишга топширилди. Комплекс 10 минг ўринли стадион, енгилчик тири, сузиш бассейни, гимнастика, акробатика, теннис ва аэробика залари, волейбол, баскетбол майдончаларидан иборат. Қурувчилар ва уларнинг оила аъзолари спортнинг оммавий турлари билан мунтазам шуғулланиб, жисмоний чиниқмоқдалар. Разрядли спортчилар ва ГТО нишондорлари сафи кенгаймоқда.**

**Ф. ЗОҲИДОВ.**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## ҚИЗЛАР ДОНА СУРГАНДА

**Республикамиз пойтахтида хотин-қизлар ўртасида халқаро шашка бўйича «Тошкент тонги-85» Бутуниттифоқ турнири давом этмоқда. Ғолиблик учун дона сураётганлар орасида жаҳон чемпионлари ва халқаро турнирларнинг иштирокчилари бор. Иккинчи тур мусобақалари қизиқарли бўлди. Бунда Т. Огородникова З. Увачанни, Т. Тетерина З. Пилосовани, З. Садовская Л. Петровани енгди. О. Садовская — О. Аҳмедова баҳси дуранг бўлди. Учинчи тур ўйинларида ҳам томонларнинг ўзаро битимга келишуви кўпроқ қайд этилди. Фақат З. Садовская Э. Плисовадан устун келди. Шундай қилиб, учинчи тур ўйинларидан кейин З. Садовская олдинда бормоқда. Тошкентлик О. Аҳмедова ҳисобида бир яримта очко бор.**

**Ҳ. ИНОҒОМОВ.**

## ОБ-ҲАВО

**Синоптикларнинг хабар беришича Ўзбекистонда ҳаво бир оз булутланиб туриши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Фақат, Устюртда ҳаво ўзгариб туради, кундузи бир оз ёмғир ёғади. Шарқдан секундига 9-14 метр тезликда шамол эсади. Бекобод, Янгиер, Деҳқонобод, Ғузор ва Акработ районларида шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метргача кучаяди. Кечаси 2-7 даража иссиқ бўлиб, айрим ерларда ҳароратнинг 0-1 даражагача совиши ва ернинг устки қатламли музлаши кутилади. Кундузи 20-25, баъзи жойларда 27 даражагача иссиқ бўлади. Жанубда ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 25-30 даражага кўтарилади.**

**Тошкентда ҳаво булутланиб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-8, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.**

**(ЎзТАГ).**

## САЛОБАТЛИ ТОҒЛАР БАҒРИДА

**Олой тизма тоғининг жанубий ён бағрида, денгиз сатҳидан 3600 метр баландликда музшунослар қароргоҳи бор. Абрамов музлигидаги ана шу гляциологик тажриба-дала базасида музшунослардан ташқари метеорологлар, гидрогеологлар ва бошқа мутахассислар йил бўйи кузатув ишлари олиб борадилар. Кескин ўзгарувчан иқлим, кислород камлиги ва бошқа қийинчиликларга қарамай, улар атроф муҳитни, музлар ҳолати ва бошқа табиий ҳодисаларни кузатиб, тадқиқотлар ўтказадилар.**

**Экспедиция учун октябрнинг ўрталаридан майгача давом этадиган қишлов мавсуми оғир даврдир ҳисобланади. Секундига 40 метргача тезликда эсадиган изғиринлар тинмайди, ҳаво ниҳоятда совуқ — нақ Арктиканинг ўзи. Аммо тоғларнинг мафтункор жозибаси ром этган, ўз ишига меҳри баланд кишилар учун бу қийинчиликлар чиқора.**

**Яқинда бу ерда атмосфера ифлосланиши ҳақида муфассал маълумот берадиган янги «Пост-2» мониторинг қурилмаси ўрнатилди. Уни ер курраси-дагги энг баланд лаборатория деса бўлади.**

**Ўнгдаги суратда музшунослар қароргоҳининг умумий кўриниши. Чапдаги суратда: отряд бошлиғи, альпинизм бўйича Ўзбекистон терма командаси аъзоси, спорт мастери Ф. Перцигер.**

**Б. Юсупов ва С. Величкин фотолари [ЎзТАГ].**

# «ИССИҚ ЭМАС, СОВУҚ АФЗАЛ»

## ҚИШГА ШАЙМИСИЗ?

Тошкент сут комбинати раҳбарлари бизни оғизларидан бол томиб кутиб олишди.

— Марҳамат, ҳойнаҳой, сизни план масаласи қизиқтирса керак? Қийинчиликларни мардонавор енгиб бўлса-да, бажариб турибмиз, — дейишди.

Чиндан ҳам тўққиз ойда сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш планидан бошқа топшириқлар бажарилган. Ҳа, фақат сут маҳсулотларидан бошқалари! Аслида сут маҳсулотлари комбинат фаолиятида асосий ҳисобланади-ку?

— Колхоз ва совхозлардан келаётган сут миқдори камайиб кетди, — деди бош директор Ш. Мусаев.

— Корхонани қишки мавсумга тайёрлаш ишлари қандай?

— Ёмон эмас. Ишни тугатганмиз. Бу ҳақда юқори идорамизга рапорт ҳам тайёрлаганмиз.

Ўша ҳужжат билан қизиқдик. Унда кўрсатилишича, цех ва ускуналарни қишга тайёрлашнинг баъзи ишлари ниҳоясига етказилган. Бироқ, 1-ишлаб чиқаришнинг маиший биносини ремонт қилиш ва корпус билан қозонхона, ишлаб чиқариш биноларининг электр ускуналарини созлаш, тартибга келтириш ҳали тугамаган. Аслида бу қишки мавсумга тайёргарликнинг асосий юмушлари бўлиши керак.

— Нега шундай?

— Бўлади. Иш боряпти. Лекин аслида, — деди комбинат бош инженери вазифасини бажарувчи Рустам Юсупов, — бизнинг ишимиз учун ёздан кўра қиш яхши. Иссиқдан кўра совуқ ҳавонинг афзаллиги кўпроқ.

Бу гап, эҳтимол, тўғридир. Ҳар ҳолда бу ерда ишланаётган хом ашё ва маҳсулотлар иссиққа юқори таъсирчан бўлади. Тез айнийди. Лекин бу қишга тайёргарликни чала-ярим бажарса ҳам бўлаверади, деган маънони билдирмайди-ку, ахир.

Ҳа, комбинат ҳали янги. Цехлар мукаммал ускуналар билан жиҳозланган. Бу техника ва механизмлар иш унумдорлигини кескин ва жадал ошириш, аъло сифатли маҳсулотлар тайёрлашни барқарор кўпайтириб боришга имкон беради.

Комбинат ҳатто керакли иссиқлик ва совуқликни ҳам ўзи ишлаб чиқаради. Мукаммал комплексга 4 та қозон ўрнатилган. Совуқ ҳаво берадиган ускуналар ҳам яп янги. Бино ва ускуналар у қадар эскирмаган. Бироқ булар хотиржамлик ва ўзи-бўларчилик кайфиятини уйғотмаслиги керак эди.

Негаки, бу ерда ишга солинадиган резервлар кўп. Афтидан, корхона раҳбарлари уларни кўрмаётирлар. Корхонани қишки мавсумга тайёрлашдаги сусткашлик қаторида яна бошқа талай камчиликлар ҳам мавжуд.

Агар меҳнат интизоми мустаҳкамланганда, уюшқоқлик оширилиб, илғорлар тажрибаси оммалаштириб борилганда, ҳар бир бригада ва ишчи ўз планини тўла бажариши таъмин этилганда эди, комбинатда топшириқлар ижроси учма-уч бўлиб, асосий планлар ора йўлда қолиб кетмасди. Маҳсулотнинг бирон тури эса давлат Сифат белгисига лойиқ топилмаган.

Шу йилнинг тўққиз ойида меҳнат интизомини бузгани, бракка йўл қўйгани, ишга узрсиз келмагани, ичкиликбозлик қилгани учун ишчилардан 15 киши жазоланган. Ишчи кадрлар қўнимсизлиги ҳали анчагина.

Бу нуқсон ва камчиликлар майда-чуйда эмас. Улар ўз-ўзидан бартараф бўлиб ҳам қолмайди. Шу сабабли ишчиларга қулай ва мукаммал шарт-шароит яратиб бериш керак. Цехларни қишки мавсумга пухта, бекамикўст тайёрлаш ана шу шароитларнинг энг муҳимидир.

Комбинат раҳбарлари баъзи кўрсаткичларнинг бажарилиб тургани билан кифоялиниб, хотиржамлик кайфиятига тушиб қолганлар. Ҳолбуки, план — қонун. Уни бажариш шарт. Шундай бўлгач, мажбуриятларни ҳам бажариш резервларини кидириш, ишга солиш керак. Шунда одамлар комбинатнинг сут, қатиқ, қаймоқлари ҳақида оғизларидан бол томиб гапирган бўлишармиди!?

**С. ЖУРАЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## РАДИО

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 8.30 —«Меҳнат шарофати». 9.30 — «Совет Ўзбекистони; одамлар, ишлар ва режалар». 10.15 — Концерт. 11.15 — «Юность». 12.10 —«Узбекистан индустриальный». 13.00 —«Чорвадор». 14.00 —Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — «Еш куч». 16.00 —«Дўстларимиз овози». 17.00 —Мактаб ўқувчилари учун эшиттириш. 18.15 — Илмий атеистик мавзуларда. 18.30 —С. Бобоев асарлари. 19.25 —«Мароқли дам — меҳнатга ҳамдам». 19.50 — «Халқаро кундалик». 21.15 — «Ёшлик». 22.20 —«Бугун радиотеатрда».

## 18 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**МОСКВА-I.** 9.00 — «Время». 9.40 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 9.55 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.30 — «Қурашаётган Туркистон». Бадиий фильм, 2-қисм. 11.45 — Мактаб ўқувчиларининг Б. Б. Кадомцев билан учрашуви. 12.30 — Концерт. 13.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильм. 15.50 — Концерт. 16.10 — Рус тили. 16.40 — «Подмосковье» қишлоқларининг бугунги ва эртанги куни». 17.10 — «Эртак ҳузурида меҳмонда». Бадиий фильм. 18.40 — «Инсон ва қонун». 19.10 — «Дунё воқеалари». 19.25 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 19.40 — «Ҳамдўстлик». 20.10 — «Менинг республикам». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 00.05 — «Дунё воқеалари».

**МОСКВА-II.** 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.40 — «Тасвирий санъат». 10.20 — Илмий-оммабоп фильм. 10.30 ва 14.00 — Инглиз тили. 11.05 — «Табиатшунослик». 11.35 ва 12.35 — А. С. Пушкин. «Кароматли Олег ҳақида қўшиқ». 12.05 — «Фан ва турмуш». 13.05 — «Урал эртакчиси». 14.30 — «Ғалабага чин юрагидан ишониб». 15.20 — Тележурнал. 16.05 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Фильм-концерт. 18.55 — «Маркиз учун даҳмаза». Бадиий фильм. 20.10 — Телефильм. 20.30 — «Тунингга хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 — Телефильм. 21.15 — Халқ қуйлари. 21.30 — «Время». 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.15 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Сокол» — «Динамо» (Москва). 2 ва 3 даврлар.

**ТОШКЕНТ-I.** 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — «Тонгги тароналар». 8.10 — «Энг яхши тажриба-хўжалигини юритиш практикасига». 8.20 — «Олатов жилолари». 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.00 — Телефильм 19.10 — «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали саҳифаларида. 19.30 — «Ахборот». 19.50 — «Бугун оламда нима гап?». 20.00 — Ўзбекистонда ЧССР экономикаси ва техникаси кунлари. 20.10 — «Халқ истеъмоли моллари ва юқори сифат». 20.30 — «Ахборот». 20.55 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ёшлик». 23.05 — Телефильм.


СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р — 09522 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. ИНДЕКС 64583. А. — 239. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12